[illegible] МАР. 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 60 (20. 927) 1991 йил 28 март, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

КЎКЛАМДА ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР

Усмон Юсупов районида кейинги пайтларда боғ-роғлар майдони тобора кенгайиб бормоқда. Бу йил ҳам дарахтзорларни кўпайтириш мақсадида бирмунча ишлар қилиняпти. Айни пайтда 6 минг туп турли мевали дарахт кўчатлари экишга киришилди. Бу ишда район коммунал хўжалигининг ишчиларидан Ғани Рўзибоев, Худойберди Мавлонов, Ғайрат Эрназаров ва бошқалар кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

Н. ТУРСУНОВ.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Фарғона шаҳар ижроия комитетининг қарорига биноан шаҳарни ободонлаштириш, санитария жиҳатидан тозалаш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказилмоқда. Бу тадбирда вилоят марказининг барча корхоналари, ташкилотлари, ўқув юртларининг жамоалари иштирок этмоқда. Тасис этилган совринлар бир қарашда оддий кўринган бу воқеага алоҳида тус бағишламоқда. Шаҳар режа комитети энг фаол қатнашчиларни рағбатлантириш учун бозор фондидан иккита енгил автомобиль ажратди.

(ЎзТАГ).

БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг иқтисодий ўқуви давом этмоқда. Бу ўқув Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил қилинган. Ҳозирги кунгача 30 мингдан зиёд раҳбар ходимлар ва мутахассислар, 500 мингдан зиёд колхозчи ва совхоз ишчилари малакаларини оширишди. Жумҳуриятимизнинг ҳар бир вилоятида бригадирлар, фермерлар ва раҳбарлар ўқуви бўлиб ўтди.

Машғулотлар пайтида тингловчилар ишлаб чиқаришдаги илғор технологиялар, меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари ва бозор иқтисодиётига ўтилаётган шароитда сарф-харажатларни ҳисобга олишни ўргандилар.

Тингловчилар ҳузурида жумҳуриятимизнинг йирик олимлари, мутахассислари, иқтисодчилари машғулот олиб боришди.

Ш. АНВАРОВ.



Бекобод районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзолари кўкламга пухта ҳозирлик кўришди. Барча майдонлар чигит экишга шайлаб қўйилди. Деҳқон қаноти — техника созланди. Бунда моҳир механизатор Абдумалик Боботоевнинг ҳиссаси катта.

Суратда: А. Боботоевни кўриб турибсиз.

А. Мальцев туширган сурат.

МАВСУМГА ШАЙ

Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида айни пайтда 2450 гектар майдон шудгорланди. Фермалардан 1755 гектар майдонга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Кузги экинлар парвариши бошлаб юборилди.

Пахтачилик бригадаларида ҳам иш қизғин. Айниқса, Қ. Сувонов, А. Худойбердиев, А. Муродова, А. Аллабердиев етакчилик қилаётган жамоаларда чигит экишга ҳамма нарса шай қилиб қўйилди.

М. РАҲМОНОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Қизилтепа районидаги «Москва» жамоа хўжалиги деҳқонлари баҳорги экиш-тикиш ишларини бошлаб юборишди. Ҳозиргача 10 гектар ерга баҳорги дон, 6 гектар ерга пиёз экилди. Файзулла Ражабов бошлиқ оилавий пудратчилар хўжаликдан 5 гектар ерни ижарага олиб, унинг 2 гектарига картошка экишди. Номоз Зарипов, Ҳамид Холиқов ва Ғайбулла Рамазонов сингари пудратчилар ҳам 1—1,5 гектар майдонга картошка уруғи қадашди.

Б. МАНСУРОВ:

СССР Вазирлар Кабинетининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ва даромадлар соҳасида умумий келишилган сиёсат ўтказиш тўғрисида ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги битимга ҳамда СССР Президентининг чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доир Фармонига мувофиқ СССР Вазирлар Кабинети **қарор қилади:**

1. ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

1. Чакана нархлар ислоҳоти амалга оширилсин. Бу халқ истеъмоли моллари нархи ва хизмат тарифлари, уларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишнинг амалдаги нархини, истеъмол хусусиятларини, талаб ва таклиф нисбатини, мамлакат бутун ҳудуди учун аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи асосий моллар чакана нархи оширилиши чегаралари белгиланишини ҳисобга олиб, шакллантирилишини назарда тутган ҳолда чакана нархлар босқичма-босқич либераллаштирилишини ўз ичига олади.

Чакана нархлар ва тарифлар ўзгариши аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга оид компенсация тадбирларини ўтказиш, иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш билан узвий қўшиб олиб борилсин.

2. Мамлакат бутун ҳудуди учун халқ истеъмоли асосий молларига давлат чакана нархларини оширишнинг 1-иловага мувофиқ республикалар билан келишилган энг кўп миқдорлари белгилансин.

Республикалар ўз ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган айрим молларга бирмунча пастроқ нархлар белгилашлари мумкин.

3. СССР Давлат нарх комитети ва республикалар ҳукуматлари ўз ваколатларига мувофиқ янги давлат чакана нархларини тасдиқласинлар ва 1991 йилнинг 2 апрелидан уларни жорий этсинлар.

Дори-дармон ва тиббий буюмлар, қаҳва, синтетик толадан тўқилган газлама ва улардан тайёрланган буюмлар, синтетик материаллардан тайёрланадиган пойабзал, мўйна, трикотаж, пайпоқ ва ўйинчоқлар, бензин, керосин, электр энергия, газ, кўмир, аҳолига бериладиган ёқилғи ва ўтин, шунингдек арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

4. Чакана нархлар ошишини чеклаш мақсадида 1991 йил учун гўшт, сут, балиқ маҳсулоти, дори-дармон ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа айрим халқ истеъмоли молларига бериладиган дотация қисман сақлаб қолинсин.

5. 1991 йилда моллар 2-сон иловага мувофиқ, аҳолига бошқариладиган нархларда сотилиши белгилансин. Нархлар нархномада кўрсатилган нархларга нисбатан уларнинг энг кўп даражаси ёки миқдорини жорий этиш йўли билан ёхуд нарх белгилаш идоралари ўз ваколати доирасида белгилайдиган тартибда бошқарилади.

СССР Давлат нарх комитети ва республикаларнинг нарх белгилаш идоралари ўз ваколатига мувофиқ, нархларнинг энг юқори даражаларини ёки уларни ўзгартириш миқдорини тасдиқласинлар ҳамда барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга маълум қилсинлар.

6. Моллар 3-сон иловага мувофиқ СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 12 ноябрдаги 1134-сон қарори билан тасдиқланган аҳолига шартнома (эркин) чакана нархларда сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхатига киритилсин.

7. Нарх белгилашни келгусида либераллаштириш муносабати билан «Д» ва «Н» индексли янги халқ истеъмоли молларига устама нархлар белгилашга чек қўйилсин.

8. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, арзон ва қиммат молларни сотиш баб-баравар манфаатлилигини таъминлаш мақсадида СССР Давлат нарх комитети СССР Савдо вазирлиги билан биргаликда янги давлат чакана нархлари билан бирга халқ истеъмоли моллари бўйича табақаланган янги савдо чегиришларини жорий этсинлар. Бунда чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун чегиришларнинг бир хил миқдорлари белгилансин.

Республикалар ҳукуматларига давлат чакана нархлари бўйича моллар етказиб бериш чоғида оширилган савдо чегиришлари бериладиган районлар, ташкилотлар ва корхоналар рўйхатини аниқлаш, шунингдек улгуржи ҳамда чакана нархлар ва тарифлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва савдо чегиришлари оширилиши муносабати билан умумий овқатланишда қўшимча нархлар миқдорларини қайта кўриб чиқиш тавсия қилинсин.

СССР Темир йўллар вазирлиги ва СССР Денгиз флоти вазирлиги вагон-ресторанлар ва купе-буфетларда, кемалардаги умумий овқатланиш корхоналарида сотиладиган маҳсулот ва молларга янги нархларни белгиласинлар.

9. СССР Темир йўллар вазирлиги, СССР Фуқаро авиацияси вазирлиги, СССР Денгиз флоти вазирлиги ва СССР Алоқа вазирлиги СССР Давлат нарх комитети билан келишиб темир йўл, авиация, денгиз транспортида йўловчиларни ташиш ва уларга алоқа хизмати кўрсатишнинг янги тарифларини тасдиқласинлар.

10. СССР Давлат нарх комитети ва республикаларнинг бошқарув идоралари янги чакана нархлар барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга маълум қилинишини таъминласинлар.

СССР Давлат нарх комитети, СССР Молия вазирлиги ва СССР Савдо вазирлиги янги давлат чакана нархлари, бошқариладиган ва эркин нархлар жорий этиладиган санагача молларга қайта нарх белгилаш тартибини йўлга қўйсинлар. Молларга қайта нарх белгилашдан тушган маблағлар баб-баравар улушларда Иттифоқ бюджетига ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг бюджетларига ўтказилади.

11. Амалдаги чакана нархлари янги улгуржи нархларидан арзон (савдо чегиришлари чиқариб ташланганидан кейин) ашёвий халқ истеъмоли молларини тайёрловчи корхоналар уларни савдо ташкилотларига (корхоналарига), бошқа истеъмолчиларга улгуржи нархларда (СССР ҳукумати ва республикалар ҳукуматларининг қарорларига мувофиқ дотация бериладиган номенклатурадаги маҳсулот туркумига кирувчи моллар бундан мустасно), аҳолига эса 20 фоизгача (чекка Шимол районлари учун ҳамда уларга тенглаштирилган олис ва тоғли районлар учун 30 фоизгача) миқдорда қўшимча савдо нархлари билан биргаликда улгуржи нархларда сотишлари белгилансин.

12. Республикаларнинг ҳукуматлари, СССР Давлат нарх комитети нарх-наво соҳасидаги умумий сиёсатга амал қилсинлар, нарх белгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтирсинлар, амалдаги қонунларни бузиб белгиланаётган нархларни ўз вақтида бекор қилсинлар, давлат нарх интизомини бузувчи корхоналар ва ташкилотларга иқтисодий жазо чоралари кўриш муқаррарлигини таъминласинлар ҳамда ана шундай қонун бузишларда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўрсинлар.

II. ЧАКАНА НАРХЛАР ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ СОҲАСИДА

13. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир туркум тадбирларни амалга оширишда СССР фуқароларининг меҳнат қилиш ва уларга адолатли ҳақ тўлаш конституциявий ҳуқуқларига, уларнинг қонунлар олдидаги тенглигига ва барча республикалар фуқароларининг тенг ҳуқуқлилигига сўзсиз риоя этилишига амал қилинсин.

Давлат чакана нархлари ўзгариши билан бўладиган қўшимча харажатлар учун мамлакат аҳолисига қуйидаги асосий қоидаларга мувофиқ:

асосий озиқ-овқат моллари, қурилиш материаллари ва мебелларнинг оммавий турлари, шунингдек бошқа ашёвий моллар қимматлашувидан тушадиган барча маблағларни республикалар аҳолининг турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари даромадлари даражасини ҳисобга олиб белгилайдиган рўйхатлар асосида компенсация тўлашга ажратиш;

болаларга аталган моллар қимматлашишига балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга муайян мақсадни кўзлаб тегишли маблағлар ажратиш йўли билан тўла компенсация тўлаш;

аҳолининг ижтимоий-нуфус гуруҳларига қараб ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши лозим бўлган табақаларни, энг аввало болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар, ёш, ё ота ёки она бўлмаган оилаларни ва кўп болали оилаларни устун даражада моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан компенсация тўловларининг табақалаштирилган миқдорларини белгилаш;

бир вақтнинг ўзида корхоналар (колхозлар) оладиган фойдага ва фуқароларнинг даромадларига солиқ солишни камайтириш йўли билан ишловчиларнинг иш ҳақини (меҳнатига ҳақ тўлашни) ошириш;

нархлар ва тарифлар оширилишидан тушган маблағларнинг бир қисмини таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият ва архив муассасалари соҳаси етакчи касблардаги ходимлари иш ҳақи даражасини қўшимча равишда оширишга ажратиш;

ўқувчи ёшларнинг амалдаги стипендияларини ошириш ва янги стипендиялар жорий этиш;

ҳарбий хизматчиларга бериладиган пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва моддий таъминлашнинг бошқа турлари миқдорини ошириш;

СССР ижтимоий суғурта фонди ва СССР пенсия фонди маблағлари ҳисобига пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар барча турлари миқдорини ошириш, шунингдек давлатнинг моддий қўллаб қувватлашидан фойдаланадиган кишилар доирасини кенгайтириш;

касалхоналар, интернатлар, мактаблар, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия муассасаларида ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга харажатлар оширилишига тўла компенсация тўлаш;

маҳаллий идоралар берадиган ижтимоий энг аввало натура тарзидаги ёрдамнинг хилма-хил турлари билан аҳолининг кам таъминланган табақаларига пул билан компенсация тўлашни тўлдириш;

озиқ-овқат моллари давлат чакана нархлари поясларга қараб табақалаштирилишини бекор қилиш;

иш ҳақига амалдаги район коэффициентларини ҳи-

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ВА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А. И. ИКРОМОВ маърузаси

Ўртоқлар!

Қишлоқ меҳнаткашларининг бир йил мобайнида эришган натижаларига баҳо берадиган, хато-камчиликларини очиб, навбатдаги режаларини белгилаб, деҳқонларнинг ишларига «оқ фотиҳа» берадиган катта маслаҳат кенгаши — навбатдаги қурултойимизга тўпландик.

Қурултойимиз мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий танглик кескинлашаётган бир вақтда ўтаётир.

Мамлакат бўйича рўй бераётган иқтисодий ва сиёсий танглик жараёни Ўзбекистонга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатяпти, албатта. Бундай мураккаб вазиятда жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ва у бошчилигидаги партия ташкилоти ҳамда ҳукумати аҳволнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, балки унинг олдини олиб, қайта қуриш жараёнларини, иқтисодни яхшилашга қаратилган тадбирларни ўз вақтида, кечиктирмай амалга оширмоқдалар.

Жумҳурият раҳбариятининг Ўзбекистон янгиланган Иттифоқда суверен давлат сифатида ривожланишини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини халқимиз, барча миллат ва элатлар қўллаб-қувватламоқдалар. Бу 17 мартда ўтказилган референдум натижаларидан кўриниб турибди.

Биз мамнуният билан шуни таъкидлашимиз керакки, меҳнатсевар деҳқонларимиз, бутун қишлоқ аҳли кун сайин яққолроқ сезилаётган турмуш қийинчиликларига қарамай, тушкунликка берилмадилар, ўтган қишлоқ хўжалик йилида мардонавор меҳнат қилдилар ва олдинги йилларга нисбатан яхшироқ натижага эришдилар.

1990 йилда ғалла, картошка, сабзавот, полиз, мева ва узум, шунингдек чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдик. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми 5 фоиз кўпайиб, 11 миллиард сўмдан ошди. Меҳнатга тўланган ҳақ 12 фоиз кўпайиб, 4,6 миллиард сўмни ташкил этди. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўртача ойлик маоши 211 сўмга тенглашди. Соф фойда олиш режалари 115 фоиз бажарилди ва у салкам 2,5 миллиард сўмни ташкил этди. Йилни зарар билан якунлаган ташкилотлар сони 168 тадан 87 тага камайди. Колхоз ва совхозларнинг рентабеллик даражаси кўтарилди.

Шонли пахтакорларимизнинг иш якунлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Улар давлатга 5 миллион 57 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Ҳосил 50 иш кунида йиғиштириб олинди. Жумҳуриятимизда ҳеч қачон бундай суръатларда ҳосил йиғиштирилмаган эди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 1987 йилдаги 23,1 центнер ўрнига 27,6 центнерга кўтарилди ёки 4,5 центнер ошди. Ҳосилнинг 56 фоизи машиналар билан териб олинди. Толанинг 85 фоизи биринчи сортларга топширилди.

Жумҳурият хирмонига Қорақалпоғистон ва барча вилоятлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Хоразмлик азамат пахтакорлар йиллик маррани жумҳуриятимизда биринчи бўлиб бажариб, давлатга 349 минг тонна пахта топширдилар ва йиллик планни 109 фоиз бажардилар.

Бухоро вилояти пахтакорлари давлатга энг кўп — 522,5 минг тонна пахта топшириб, режани салкам 109 фоиз бажардилар. Ўтган йили жумҳуриятимизда етиштирилган ингичка толали ҳосилнинг 77 фоизини берган сурхондарёлик пахтакорлар давлатга 485 минг тонна пахта етказиб бердилар.

Андижон вилояти пахтакорлари мардонавор меҳнат қилиб, 12-беш йилликда биринчи марта пахта планини бажаришга эришдилар. Давлат хирмонида андижонликларнинг улуши 443 минг тоннани ташкил этди.

Ўтган йили пахтачиликда ҳосилдорликнинг ўсиши сезиларли давом этди. Сурхондарё вилоятида ҳар гектар ердан 32,5 центнердан, Бухорода 31,9, Хоразмда 31,5, Наманган вилоятида 31 центнердан ҳосил олинди.

133 пахта экувчи райондан 129 таси, 1394 колхоз ва совхоздан 1262 таси, 26 минг 800 бригададан 22 минг 700 таси пахта тайёрлаш режаларини уддаладилар.

Айни вақтда жумҳуриятимиздаги 45 район 545 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олди, олти район эса 70 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан пахта етиштирди. Далаларни пухта текислашга, минерал ва маҳаллий ўғитлардан турлари бўйича оптимал муддатларда тўғри фойдаланган ва бошқа агротехника тадбирлари яхши йўлга қўйилган жойларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди.

Ғиждувон, Наманган, Свердлов, Шофиркон, Шўрчи, Учқўрғон районларида пахта ҳосилдорлиги 35-38 центнерни ташкил этди. Ғиждувон районидаги Энгельс номли, Свердлов районидаги Свердлов номли, Тўрақўрғон районидаги К. Маркс номли, Чортоқ районидаги Навоий номли, Шўрчи районидаги Киров номли, Ленинград районидаги Ленин номли колхозлар ҳар гектар пахта майдонидан 40-42 центнердан ҳосил олишди.

Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли колхоздан Иброҳим Худойқулов, Косон районидаги «Косон» совхозидан Рўзигул Қудратова, Ангор районидаги К. Маркс номли колхоздан Жаҳон Эргашев, Ленинград районидаги «Ленинград» колхозидан Абдураҳим Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари эллик центнерга етказиб ҳосил кўтардилар.

Техникадан унумли фойдаланиш йўлида қилинган ҳаракат ўзининг яхши самарасини кўрсатди. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг донгдор механизаторлари етиштирилган пахта ҳосилининг 80 фоизидан кўпроғини машина ёрдамида териб олдилар. Ўттизга яқин районларнинг механизаторлари ялпи ҳосилнинг 90-94 фоизини бункерлардан тўкишга эришиб, юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Хўжайли районидаги Калинин номли колхоздан Худойберган Омонтурдиев, Амударё районидаги «Оқолтин» совхозидан Холиқбой Отажонов, Навоий районидаги «Октябрь» колхозидан Шавкат Раҳимов, Ромитан районидаги Ленин номли колхоздан Ражаб Ҳамроев, Хатирчи районидаги Партия XXII съезди номли колхоздан Насиба Тўрақулова, Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозидан Нўъмон Солиев, Элликқалъа районидаги Қирққизобод колхозидан Озод Бобожонов, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Камолиддин Юнусов, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозидан Убайдулла Бекмирзаев, Шеробод районидаги Муродов номли совхоздан Жўра Абдувоҳидовлар каби моҳир механизаторларимиз ўз машиналари билан 250-300 тоннадан пахта териб, юксак намуна кўрсатдилар.

Ўртоқлар! Менга берилган фурсатдан фойдаланиб, бутун қишлоқ меҳнат аҳлини, ажойиб меҳнатсевар пахтакорларимизни жумҳурият Президенти, партия Марказий Комитети ва ҳукумати номидан эришилган ютуқлар билан қизғин табриклашга ва шонли меҳнатингиз учун сизларга катта раҳмат айтишга рухсат этгайсизлар.

Пахтакорларимиз муваффақиятларининг боиси об-ҳавонинг қулай келиши билан бир қаторда деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати, хўжаликларда ишни ташкил этиш юқори даражада бўлиши натижасидир, десак хато бўлмайди.

Бундан ташқари 1990 йилда экинлар орасидаги мутаносибликни нормаллаштириш амалда бажарса бўладиган реал планлар белгилаш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш бўйича сўнгги йилларда бошланган жараён янада жадалроқ давом этди.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. Горбачев хўжаликларнинг раҳбарлари билан учрашди

26 март куни КПСС Марказий Комитетида СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев хўжалик юритишнинг янги шаклларига ва кўп укладлиликка ўтган жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ҳамда деҳқончилик-саноат комплекси бошқа тузилмаларининг раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда СССР Бош вазирининг ўринбосари Ф. П. Сенько, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби Е. С. Строев, Марказий вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИДА

27 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Мажлисда маданий меросни, миллий урф-одатларни ўрганиш, муҳофаза ва тарғиб қилиш Давлат дастури ҳақидаги, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш учун маблағ манбаларидан бири бўлган туризмни ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров ва республика Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров маъруза қилдилар.

Республикадаги аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан самарали таъминлаш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Хамидов маъруза қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

(Мажлис ҳақидаги ҳисобот рўзноманинг кейинги сонида эълон қилинади).

(ЎзТАГ)

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ВА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жумладан, сўнгги икки йил ичида Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг катта ҳаракати натижасида пахта плани деярли 1 миллион тоннага камайди, унинг экин майдони 280 минг гектарга қисқарди ва жуда кўп жумбоқ бўлиб турган масалалар ечилди. Пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг интенсив ривожланиши бошланди.

Ўтган хўжалик йилида қишлоқ меҳнаткашларининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бўлган моддий манфаатдорлиги ортди. Ижара ва пудрат усулини янада кенг жорий қилиш ишлари давом эттирилди. Масалан, 800 минг гектардан ортиқ пахта майдони мана шу усулда ишлайдиган деҳқонларга бириктиб берилди. Деҳқонлар ўзларига бириктилган ерларда юқоридан топшириқ ва буйруқлар кутиб ўтирмай, ҳамма ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришдан манфаатдор бўлиб қолдилар.

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим масалалардан бири — бу етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдир. Мавсумнинг биринчи кунидаёқ Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг йиғим-терим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш бўйича махсус қарори кучга кирди. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 25 тийин, машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 10 сўмдан тўлана бошланди.

Бу тадбир ҳосилни қисқа муддатларда четдан ёрдамчиларсиз йиғиштириб олиш имконини берди.

Пахта қўлда терилиши ўрнига машиналарда терилганда 25 марта арзон тушишини кўрган ижарачи деҳқонлар хўжалик маъмуриятидан пахталарини машина билан териб беришни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Ўртоқлар! Ҳисоб-китоблар пахтачилик соҳаси жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолишини тақозо қилмоқда.

Пахта бошқа экинларга нисбатан камроқ сув талаб қилади. Қишлоқ аҳолисини иш билан тўлароқ таъмин этиш, ҳар гектар ердан кўпроқ миқдорда даромад олиш, анчагина миқдорда кунжара ва шелуха олиш имкониятини беради. Пахтадан чиққан маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ортиқча ташвиш келтирмайди.

Пахтанинг бу афзалликларини ҳисобга олмай бўлмайди. Тўғри, пахта ишлаб чиқариш ҳажми бозор иқтисодиёти шароитида, нарх-навога қараб ўзгариб туриши мумкин. Лекин у яқин келажакда анчагина катта майдонни эгаллайдиган экин бўлиб қолаверади. Ва биз жумҳуриятимизнинг иқтисодиётини ҳал қилувчи бу тармоқдаги мавжуд катта имкониятларни ишга солмоғимиз керак.

Аввало, беда майдонларини кенгайтириш асосида алмашлаб экишни қатъий жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни кескин яхшилаш бўйича илм-фан тавсияларини оғишмай амалга ошириш, тола чиқиши 36-39 фоизга эга бўлган навларни яратиш билан 4-5 йилда кам деганда бу навлар билан ярим пахта майдонини таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ишларини механизациялаш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ва бошқа ҳаммангизга маълум бўлган резервларни ишга солсак, биз сўзсиз жумҳурият бўйича ҳосилдорликни яна 4-5 центнерга кўтаришимиз мумкин. Бу қўшимча 600-700 минг тонна пахта ёки 200-250 минг тонна тола деган сўз. Фақат колхоз, совхоз, район ва вилоят раҳбарларидан бу ишда жонбозлик кўрсатиш талаб қилинади, холос.

Агротехника тадбирлари ичида кузги шудгорнинг алоҳида ўрни бор. Аммо хўжаликларда ерни ҳайдаш қоидаларига эътибор берилмаяпти: кўпинча қулай муддатлар ўтказиб юборилади, унинг чуқурлиги тўғри бўлмайди. Вегитация даврида тракторларнинг кўп марта ўтиши оқибатида ҳайдов қатламининг ўта зичланиши илдизнинг ривожланишини тўсади. Бундай жойларда қўш ярусли плуглар билан 30-40 сантиметр ҳайдаб, пастки 15-20 сантиметр қатламни чуқурлатгичлар билан юмшатиш 2-3 центнердан 7-8 центнергача ҳосил қўшиши тасдиқланган.

Чигитни белгиланган миқдорда аниқ қилиб экиш, пахтани пушта ва жўякларда ўстириш, ғўзани химиявий усулда чилпиш, гербицидлардан, ўсишнинг меъёрида бўлишини таъминлаш моддаларидан кам фойдаланиляпти.

Ўтган йили Қашқадарё вилояти ингичка толали пахта топшириш планини, 4 район умумий пахта планини бажармади. Жумҳурият бўйича 528 минг гектар майдонда 15-20 центнер атрофида паст ҳосил олинди. Буларни ўрта хўжаликлар қаторига кўтариш ҳам катта резерв.

Хўжасизлик, деҳқончиликда саводсизлик ва бошқа иллатлардан келиб чиқувчи бундай нуқсонлардан қутилишнинг ўзи ҳисобига пахтакор хўжаликлар ҳосилдорликни сезиларли даражада оширган бўлардилар.

Бунинг учун деҳқонлар малакасини ошириш, уларни ўз касбининг усталарига айлантириш, улар ишлашлари учун яхши шароит яратиш, матбуотда ташвиқот ишларини кескин кучайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, пахтакор хўжаликлар соҳани илмий асосда жадал ривожлантирсалар, жумҳурият бўйича ўрта ҳисобда ҳосилдорликни гектар бошига 32-33 центнерга чиқаришлари ва камайтирилган пахта майдонида ўтган йили эришилган ялпи ҳосилни олиш имкониятларига эга эканликлари ҳисоб-китоблар (концепция) билан тасдиқланган.

Ҳаммангизга маълумки, ғалла етиштиришни кўпайтириш масаласи ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Жумҳуриятимизда катта имкониятлар ишга солинмаётганлиги ҳаммангизга маълум. Ўтган йили 700 минг гектар ерда бошоқли дон экинлари, 86 минг гектар ерда дон учун маккажўхори ва 132 минг гектар ерда шоли экилиб, улардан 1 миллион 914 минг тонна ҳосил кўтарилди. Ўртача ҳосилдорлик атиги 20 центнерни ташкил этди. Суғориладиган ерларга экилган 191 минг гектар арпа ва буғдойнинг ҳосилдорлиги 25 центнерни ташкил этди, холос. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: шу қадар паст ҳосилдорлик — ўтакетган хўжасизлик, ернинг қадр-қимматини билмаслик-ку!

Ахир, бизда 50-60 центнердан ҳосил олаётган ғаллакор хўжаликлар оз эмас. Ҳамма гап жойлардаги раҳбарларимизнинг кунт билан, халқ олдидаги жавобгарликни сезган ҳолда иш юритишларига боғлиқ.

Дон етиштириш технологиясини тўғри ташкил қилиш, ерни меъёрига келтириб тайёрлаш, экин навини тўғри танлаш, озуқа бериш, суғориш ва ҳоказо агротехника ишларини тўғри бажариш — бу фақат хўжалик мутахассисларининг савиясига боғлиқ. Юқорида айтилган тадбирлар тўғри амалга оширилса, жумҳуриятда қисқа муддатда ғалла, маккажўхори дони етиштиришни ҳосилдорликни ошириш ҳисобига икки марта кўпайтириш мумкин.

Бу йил лалми ерларда намгарчилик яхши бўляпти. Ҳосилдорликни оширишни истасангиз, ҳозир сифатли қилиб экинларни озиқлантириш керак. Лекин лалмикор ғалла экинларини Самарқанд вилоятида озиқлантириш ҳанузгача тамомлангани йўқ.

Макка ва жўхорига бўлган муносабатларни мутлақо кечириб бўлмайди: мана бу нарсага эътибор берсангиз. Ўтган йили 169 минг гектар ерга дон учун маккажўхори экилади деб режалаштирдик. Аммо донга ўриб олинган маккамиз 86 гектарни ташкил этди. Айтингчи бу режани бажарилмай қолишига нима сабаб бўлди? Нима етмади? Сувми? Уруғми? Буларнинг ҳаммаси бор эди. Яна такрор қилиб шуни айтаманки — гап жойлардаги раҳбар ходимларимиз маккажўхори донининг чорва маҳсулотини кўпайтиришдаги муҳим ролини тушуниб етмаганидадир!

Бунинг устига режага нисбатан ярим майдонда экилган маккадан атиги 40 центнер атрофида ҳосил олинди, холос. Ахир бизда ўнлаб хўжаликлар, шу жумладан Ленин районидаги «Правда Востока», «Социализм», Бобур номидаги колхозлар, Чиноздаги Навоий номли, Янгиариқдаги «Коммунизм» колхозлари гектаридан 65-70 центнердан маккажўхори дони олмоқдалар. Ҳосилдорлик айниқса, ижарага берилган далаларда юқори бўляпти. Афсуски, биз бор имкониятлардан оқилона фойдаланмаяпмиз. Экинларни парваришлашда агротехника тадбирларини тўғри олиб бормаяпмиз.

Чорва маҳсулотларини қуруқ гап билан, сводка билан кўпайтириб бўлмаслигини сизларга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чорвага макка дони билан соя керак. 4 миллион гектардан ошиқ сувли еримиз бор. Наҳотки чорва талаби учун 200 минг гектар ёки 5 фоиз ерни ажратиб керакли макка дони ва сояни етиштира олмасак?!

Халқимизнинг энг севимли маҳсулотларидан бири — бу гуруч. Лекин бу соҳадаги бор имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Тошкент вилояти хўжаликларида гектар ҳисобига 52,7 центнер ҳосил олинаётган ҳолда, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 36 центнер, Қорақалпоғистон жумҳуриятида 34 центнер бўлди. Натижада жумҳуриятимиз бўйича шоли ҳосилдорлиги 35 центнер атрофида қолди. Айни бир пайтда Ғалаба районидаги Калинин номли шоличилик хўжалиги гектаридан 68 центнердан ҳосил кўтарди. Демак, бизнинг шароитимизда гектаридан 45-50 центнер шоли кўтариш жуда қийин масала эмас. Фақат агротехника талабларига риоя қилишдек муҳим ишни колхоз ва совхоз раҳбарлари эсдан чиқармасликлари керак.

Кейинги йилларда ем-хашак экинларининг майдони қарийб бир миллион гектарга, шу жумладан беда экин майдони 728 минг гектарга етди. Агарда бу экинлардан оқилона фойдаланилса, барча турдаги чорва молларини ем-хашак билан тўла таъминлаш имкониятига эга бўлинарди. Ҳамма гап шундаки, кўпчилик колхоз ва совхозларда ем-хашак экинларининг ҳосили ниҳоят паст даражада. Масалан, илғор хўжаликларда ҳар гектар ердан 180-200 центнер пичан, 1500-1600 центнер қизилча (лавлаги), 500-600 центнер силос олинаётган бир пайтда Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида 70-110 центнер беда пичани, 150-300 центнер лавлаги, 120-180 центнер силос олинган. Жумҳурият бўйича ҳам ҳосилдорлик ўта паст. Бу хунук аҳволнинг асосий сабаби — соҳада ўта хўжасизликка йўл қўйилаётганлигида, колхоз ва совхоз раҳбар ва мутахассисларининг ташаббус кўрсатмаётганлигида десак хато бўлмайди. Моддий рағбатлантириш ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Ҳозир ем-хашак етиштирувчиларга, чорвадорларга нисбатан 1 одам-соатига 30-40 фоиз кам ҳақ тўланаяпти.

Аҳволни тубдан яхшилаш керак. Пудрат асосида ихтисослаштирилган бригадалар тузиш, керак бўлса озуқа экинларининг хўжалик ичидаги баҳосини кўтариш талаб этилади.

Дончиликни ривожлантиришда дон хўжалиги, шоличилик, чорвачилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институтларининг раҳбарлари ва олимларининг сусткашлик билан иш олиб боришларини бугун айтмай ўтиб бўлмайди. Уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири етарли эмас. Яхши навлар яратилмаяпти, агротехникада янгиликлар йўқ даражада. Илмий тематикалар ишлаб чиқаришнинг бош масалаларига жавоб бермайдиган майда-чуйдалар билан тўлиб тошган. Улар ўзларининг ишларини давр тақозосига бўйсундиришлари керак.

Ўртоқлар! Эътиборингизни мева ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги аҳволига қаратмоқчиман. Маълумки, жумҳуриятимизнинг тупроқ ва иқлим шароити боғдорчилик ва узумчилик учун ғоят қулайдир. Лекин, соҳанинг бугунги аҳволи мутлақо талабга жавоб бермайди. Боғ ва токзорлар жами қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг атиги 7 фоизини ташкил этади, холос. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига ўта паст бўлиб турибди. Ваҳолонки, жумҳуриятимизда бир қатор хўжаликлар гектар бошига 120-140 центнер мева ва 160-200 центнердан узум етиштирмоқдалар. Булар жумласига Тошкент вилоятидаги мевачиликка ихтисослашган «Огонёк», Жиззахдаги «Гулистон», Самарқанддаги Козимов номли совхозлар киради. Ленин боғ ва токзорларга эга бўлган барча хўжаликларнинг 80 фоизи эса ҳосилни 3-4 баробар кам етиштирмоқда. Об-ҳавоси энг қулай келган ўтган йили ҳам жумҳуриятда мева харид қилиш режаси бажарилмади. Сирдарё, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари халқимиз олдида 24 минг тонна мева қарздор бўлиб қолишди.

Жумҳуриятимиз миқёсида йил мобайнида бир кишининг мева ва узумнинг истеъмол қилиш даражаси 80 килограмм бўлиши ўрнига 42 килограммни ташкил қилмоқда. Физиологик нормага етишимиз учун бу маҳсулотларни икки марта кўпайтиришимиз керак.

Хўш, бу даражага эришишимиз мумкинми? Албатта, мумкин. Яқинда биз «Огонёк» совхозида жумҳурият бўйича махсус семинар ўтказиб, бу хўжаликнинг ўтган йили эришган ютуқларини эшитдик. Меванинг ҳосили бу хўжаликда гектарига 160 центнерни ташкил этган. Агар биз жумҳуриятимизда ҳосил бериб турган 138 минг гектар боғнинг ҳар бир гектаридан 16 тонна эмас, боринг 10 тонна ҳосил олишга эришган бўлганимизда эди, мева маҳсулоти 2,5 баробар кўпайган бўларди.

Афсуски, бу мақсадга бир йилда эриша олмаймиз. Чунки, ҳозирги мевазорларнинг 20 фоизи сийрак, кўчати йўқ. Бунинг устига кўпчилик хўжаликларда боғлар йиллар давомида буталмаган, уларнинг қатор ораларига ишлов берилмаган, ўғит солинмаган. Биз боғ ва токзорларга бўлган муносабатни кескин ўзгартиришимиз керак. Гектарига 20-30 центнер ҳосил бераётган минглаб гектар боғларни зудлик билан қайта кўришимиз керак. Бунинг учун аввало шу йилнинг ўзида боғ ва токзорларни шартнома тузиб, кам деганда 15-20 йилга ижарага бериб, ижарачига ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришимиз лозим. Боғ ва токзорларнинг эгаси бўлсин. Бу соҳани тангликдан олиб чиқадиган энг муҳим омиллардан бири десак муболаға бўлмайди.

Ўтган йили сабзавоткорлар ва полизчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли бутун ёз ва куз ойларида деҳқон бозорларида сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари тўкин ва нисбатан арзон бўлди. Белгиланган режалар ҳамма жойда бир текис бажарилганида аҳвол бундан ҳам яхши бўлур эди. Афсуски, бир қатор хўжаликларнинг айби билан режага нисбатан сабзавот 297 минг тонна, картошка 157 минг тонна ва полиз маҳсулоти 85 минг тонна кам бажарилди. Сабзавоткорларимиз ўтган йилнинг якунларини чуқур таҳлил қилиш асосида иш тутиб ялпи ҳосилни кўпайтиришнинг ҳамма чораларини кўришлари зарур.

Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, уларни топшириш, сақлаш ва қайта ишлашда юз бераётган камчиликлар оқибатида етиштирилган мева ва сабзавот-полизнинг 25-30 фоизи нобуд бўлиб кетмоқда.

Қайта ишлаш цехлари ва совутиш омборларининг камлиги, айрим жойларда мутлақо йўқлиги оқибатида биз жуда катта талофатга йўл қўйяпмиз.

Буни бартараф этиш учун хўжаликларда совутиш омборларини ривожлантиришга эътиборни қаратиш керак. Ҳар бир қишлоқда аҳолининг сонига ва етиштириладиган маҳсулотнинг ҳажмига қараб, 5-10 тонналик совутиш омборларини қуришимиз айни муддао бўлур эди. Бундан ташқари ота-боболаримиздан қолган сабзавот-мева сақлаш услубларини тиклашимиз керак. Ўраларда сабзавотлар сақлаш, қовун-тарвузларни қумларда асраш, боғдорчилик меваларини ҳосилдан-ҳосилгача сақлаш усуллари шулар жумласидандир.

Ишонамизки, янгидан тузилган мева-сабзавот концерни (эски, «Узплодовощпром») раҳбарлари ва мутахассислари соҳалар олдида турган долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этишни таъминлайдилар.

Ўртоқлар! Деҳқончиликда уруғчиликнинг моҳиятини тушунмайдиган раҳбар бўлмаса керак. Бу соҳада жумҳурият ҳукумати томонидан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Улар сизларга маълум. Лекин, бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари уруғлик фондини жамғаришга, уни ўз вақтида тозалаб, талаб даражасига етказиб қўйишга эътибор бермаяпти. Натижада ўтган йили экилган бошоқли дон экинлари уруғининг атиги 24, шоли уруғининг 10, макканинг 67, беданинг 55 фоизи биринчи класс талабига жавоб берган. Қани айтингчи, шундай уруғ билан юқори ҳосил олиш мумкинми?

Ҳадеб навларни алмаштиравериш, битта хўжаликда 3-4 навни экиш, чигитни у вилоятдан бу вилоятга ташишга ҳалигача чек қўйилгани йўқ.

Биз мамлакат ичкарисига ва чет элларга пахта эмас, унинг толасини сотамиз. Шундай бўлсада, селекция илмий текшириш институтларида тола ҳисобига эмас, нуқул чигит ҳисобига ҳосил берадиган навларни яратишга ҳамон барча кучларини қаратмоқдалар. Энди хўжаликларга 40 фоиз атрофида тола берадиган навлар керак.

Буғдойнинг бешдан бир қисми, арпанинг учдан бир қисмини жумҳуриятимизда районлаштирилмаган навлар ташкил этади. Буғдойнинг лалмикор ерларга мўлжалланган навларини сувли ерларда ҳам экиб келинмоқда.

Сабзавот навларининг 51, помидорнинг 25 фоизи Ўзбекистондан ташқари регионлардан олиб келинган.

Картошка уруғчилиги айниқса, танг аҳволга тушиб қолган, 90 фоизи четдан келтирилмоқда. Аҳолига сабзавот уруғи ва мева кўчати сотиш ўта қониқарсиз аҳволда. «Узсортсемовощ» бирлашмаси ўтган йил хўжаликларга 40 миллион сўмга уруғ сотган бўлса, томорқачиларга фақат 2 миллион сўмлик уруғ сотган холос. Аҳолиси 20 миллиондан ошган жумҳуриятимизда фақат 55 та уруғ сотадиган дўкон бор, мева кўчати сотадигани йўқ ҳисобида. Деҳқончиликдаги бундай камчиликларни, паст савияда иш юритишни қачон тугатамиз? Биз яқинда уруғчилик масалаларига бағишланган жумҳурият кенгаши ўтказдик. Камчиликлар очиқ-ойдин батафсил танқид қилинди, тадбирлар белгиланди.

Янгидан ташкил этилган Қишлоқ хўжалик вазирлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва унинг институтлари айниқса тассарруфида уруғчилик масалалари бўлган идора ва мутахассислар зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Ўртоқлар! Экинларнинг ҳосилдорлиги ва маҳсулотнинг сифати тупроқ унумдорлигига боғлиқ эканлигини биламиз. «Ер бойлиги — эл бойлиги» деймиз. Ерларимизнинг унумдорлиги эса пастлашиб кетаётир. Ерга йил сайин тобора кўп минерал ўғит солинишига қарамасдан кейинги 25-30 йил мобайнида тупроқдаги чиринди (гумус) нинг миқдори 0,25 фоизга камайиб қолган.

Ҳар йили етарли миқдорда ўғит солинади, бир гектар ер майдонига ўтган йили ўртача 293 килограмм соф вазнда ўғит тўғри келди. Аммо минерал ўғитларни сақлашда, ташиш ва уни ерга беришда қўпол камчиликлар содир бўлганлигидан хўжаликларга берилаётган ўғитларнинг 15 фоизигача исроф бўлмоқда.

Пахтачиликда ўғитларнинг самарадорлиги ўтган йили 76 фоизни, шоличиликда 65-70, дон учун экилган маккажўхоричиликда 55-60, сабзавотчиликда 45-50 фоизни ташкил этди. Ўғитларнинг самарадорлиги пастлигининг сабаби нимада? Биринчидан, хўжаликларда ўғит сақлайдиган омборлар етарли эмас, оқибатда ҳар йили 300 минг тоннага яқин ўғит исроф бўлмоқда. Иккинчидан, ўғитларни ишлатишда илм-фан тавсияларига амал қилинмайди. Деярли барча хўжаликларда агрохимия картограммалари ва тупроқ хариталари мавжуд. Бироқ, 90 фоизга яқин хўжаликларда кимёлаштириш пунктларининг бўлмаганлигидан ўғит бериш миқдори, муддатлари ва нисбатлари қўпол бузилмоқда. 1990 йили 45 фоиз майдон фосфор солинмай, 47 фоиз майдон калий, 45 фоизига гўнг солинмай шудгор қилинди. Шу ерлардан юқори ҳосил кўтариш мумкинми?

Учинчидан, маҳаллий ўғитлар ресурсидан тўла фойдаланилмаяпти. Гўнг алмаштириш картограммасига биноан 35-40 тонна маҳаллий ўғит бериш ўрнига бунинг ярмиси ҳам берилмаяпти. Бу вазифани ҳал қилиш учун биз гўнгни чиритмасдан туриб, далага чиқаришни бутунлай ман қилишимиз керак. Гўнгни компост қилиб чиритиб бериш хўжаликка ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан фойда эканлиги ҳақида кўп марта гапирганмиз. Аммо кўп хўжаликларда бу муҳим масалага амал қилинмаяпти. Келинг ўртоқлар, деҳқончиликнинг маданияти ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим босқичи бўлган органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўяйлик!

Ўтган йилги ҳосилга сув хўжалиги ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар барча ирригация тармоқларини суғориш мавсумига шай қилиб қўйдилар, далаларга сувни вақтида етказиб турдилар. Аммо, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, кўпчилик хўжалик раҳбарлари сувдан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Сувдан тўғри фойдаланилмаганликдан минглаб кубометр сув исроф бўлмоқда. Сув хўжалик ходимлари сувдан фойдаланишни ўз вақтида назорат қилмайдилар.

Охирги вақтларда моҳир сувчи-миробларнинг обрў-эътиборини қадрламай қўйдик. Уларнинг маоши хизматларига лойиқ эмас. Қорақалпоғистон, Хоразм воҳасида ва бошқа жойларда ариқларни тўғри нишаб билан олинса, сув оқим кучи баландликка чиқадиган ерларда ҳам насослар ўрнатилаётир. Бу ортиқча ёнилғи сарфлашга, сувни исроф қилишга олиб келмоқда.

Томчилаб суғориш, суғоришни механизациялаш ҳақида сув хўжалиги илмий-текшириш институтлари, шу жумладан САНИИРИнинг раҳбарлари кўп йиллар давомида илмий маърузалар қиладилар-у, лекин суғоришда янгиликлар деярли йўқ. Ўйлаймизки, Сув хўжалиги вазирлиги сувдан фойдаланишдаги қатор камчиликларни чуқур ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини бу йилги мавсумда амалга оширади.

Чорвачилик жумҳуриятимиз озиқ-овқат комплексининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Ўтган беш йилликда жамоат секторида гўшт 17 фоиз, сут 25 ва тухум 43 фоиз кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш асосан бу соҳани интенсивлаш ҳисобига ўсмоқда. Кейинги беш йилликда жумҳурият хўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут ўрта ҳисобда 581 килограмм, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 34 дона, қорамолларнинг вазни 37 килограмм кўпайди.

Бироқ чорвачиликда қилинаётган ишлар ҳали аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиролмайди. 1990 йилда аҳоли жон бошига 24 килограмм гўшт, 147 килограмм сут ва 121 дона тухум ишлаб чиқарилган, бу мамлакатдаги ўртача даражадан анча паст.

Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий камчилик — бу тармоқнинг озуқа билан яхши таъминланмаганлигидир. Ҳалигача кўп хўжаликлар кам ҳосилли ерларни озуқа экишга ажратадилар. Уларга етарли даражада ўғит берилмайди. Фермалардаги иш бўшашиб кетган, наслчилик, зооветеринария хизмати савияси паст.

Бир неча йил давомида гўштга топшириладиган молларни колхоз ва совхозлардан олиб, чорвачилик комплексларига, хўжаликлараро корхоналарга топшириш вазифаси қўйилмоқда. Лекин кўпчилик вилоят ва районларда бу масалага тушуниб етмаяптилар.

Ўтган йили колхоз ва совхозларнинг ўзлари молларни гўштга топшириши натижасида 8 минг тонна гўшт кам бўлди.

Жумҳуриятда ташкил этилган 46 та гўшт етиштиришга ихтисослашган совхоз ўз олдига қўйилган вазифани бажаролмади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун молларнинг наслини яхшилаш, зооветеринария ишларини кучайтириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, соҳада меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини, жумладан «деҳқон хўжаликлари» (фермерлар) сонини кўпайтириш бўйича ишларни яхшилаш талаб этилади.

Қоракўлчилик хўжаликлари терининг баҳоси ошиши муносабати билан сердаромад соҳага айланиб қолишлари учун қулай шароит туғилмоқда. Жумҳурият «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжалик мутахассислари ва раҳбарлари қоракўлчиликни ривожлантириш учун чўл ва яйловларда ўсадиган ўтлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, соҳада наслчилик ишлари, ветеринария хизматини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларни зудлик билан ҳал этиш, фан ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

Ўтган беш йилликда «Узптицепром» парранда гўштини 2,1 марта, тухумни 1,7 марта кўпайтирди. Аммо саноат паррандачилигини ривожлантириш имкониятлари тўла ишга солинмаяпти. Натижада аҳолининг паррандачилик маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмаяпти.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети «Узптицепром» таркибида парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш бўйича махсус қарор тайёрлаяпти. Бу қарор бўйича 1993 йилгача парранда гўшти 2 марта кўпайтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бу масалани ечишда иқтисод бўйича комитет, Госснаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Дон маҳсулотлари вазирлиги фаол иштирок қилмоқлари лозим.

Парранда фабрикаларини технологик мосламалар, қурилиш материаллари ва сифатли озуқа билан етарли миқдорда таъминлаш зарур. Соҳада наслчилик ва ветеринария ишларини тубдан яхшилаш, чет эл маблағларини ва технологиясини жалб этиш керак.

Жумҳуриятимиз пиллачилари ўтган йили 33 минг тонна ҳосил етиштириб бердилар.

Жамоа ва давлат хўжаликларининг пиллачиликдан олган даромадлари 306 миллион сўмга етди. Бу 1989 йилдагидан 50 миллион сўм кўпдир. Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари планларини анча ошириб бажардилар.

Пиллага талаб кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, бу йил пилла тайёрлаш плани жумҳурият бўйича 10 фоизга, харид нархи эса ўртача 2,7 марта оширилди. Ўз-ўзидан маълумки, бу нарса дала меҳнаткашларини кўпроқ пилла етиштиришга чорлайди. Шу билан бирга пилланинг сифатига бўлган талаб саноатда ҳам, жаҳон бозорида ҳам жуда юқоридир.

Масалан, 1990 йилда жаҳон бозорида бизнинг қуруқ пилламизнинг 1 килограмми ўртача 7-8 доллардан баҳоланган бўлса, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган Хитой пилласи эса 20 доллардан зиёд баҳоланди.

Пилла тайёрлаш режасини бажариш билан бирга, унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар бир хўжаликнинг ҳозирги вазифаси пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлашдан иборат. Таъминот муассасалари эса қисқа фурсатда ипак қурти боқувчи хўжаликларни керакли асбоб-ускуналар ва ашёлар билан таъминлашлари зарур.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигида механизация имкониятидан тўлароқ фойдаланишга эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида мавжуд техниканинг учтасидан бири, Жиззах ва Бухоро вилоятларида ҳар бештасидан бири сақлаш қоидаларига риоя қилинмаслигидан ишга яроқсиз бўляпти. Техникани сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилиши оқибатида хўжаликлар кўплаб зарар кўрмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида ижара ва фермерлик иш усулларини жорий этиш деҳқонларнинг шахсий томорқаларида ишлатиш учун кичик техника бўлишини тақозо этмоқда. Аммо бу соҳада машинасозлик заводлари сезиларли иш олиб бормаётирлар.

Чорвачиликни механизациялаштириш борасида қилинадиган ишлар ҳам ниҳоятда кўп. Ҳозир жумҳурият бўйича қорамол фермаларида ишларни комплекс механизациялаштириш 74 фоизни, чўчқахоналарда 78 фоизни, паррандачилик фермаларида эса 81 фоизни ташкил этади.

Аксарият хўжаликларда сигирларни соғиш, молларга ем беришдек қийин ишлар 60-70 фоиз атрофида механизациялаштирилган.

Техникани авайлаб асрашни, ундан унумли фойдаланишни таъмин қилмай туриб, биз қишлоқ меҳнаткашларини оғир қўл меҳнатидан озод қилолмаймиз, маҳсулот таннархини арзонлаштиролмаймиз. Ҳар бир трактор ё машина, унинг запас қисмлари тобора қимматлашиб кетаяпти. Бундай шароитда техникадан яхши фойдаланмасангиз оқибат нимага олиб келишини тушуниб олиш пайти келди.

Ўзингизга маълум, ҳар бир ишнинг асосий мезони — бу кадрлардир, уларнинг ўқуви, тажрибаси, амалий ва назарий билими, қолаверса, уларнинг савияси, ишбилармонлигидадир.

Айниқса ҳозир келажакни чуқур ўйлаб қўйишимиз зарур. XXI асрда ишлайдиган мутахассисларни ҳозирдан бошлаб тайёрлаш керак. Бу мутахассислар, замонавий тилда айтганимизда менеджерлар нафақат ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти шароитининг билимдонлари бўлибгина қолмай, балки замонавий информация технологиясидан ўз фаолиятида усталик билан фойдаланадиган, уддабурон кадр бўлиб етишиши керак. Бу борада бугунги қилаётган ишимизда қайта қуриш бошлангани йўқ десак бўлади. Бизнинг фикримизча, жумҳурият агросаноатига кадрлар тайёрлашни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Аввало ўқув юртларининг программаларини қайта кўриб, эътиборни дунёнинг янги илғор технологиясига, бозор иқтисодиётининг сирларини мукаммал ўзлаштиришга қаратиш керак. Бошқариш ва ҳуқуқ масалаларини ўқитишни кучайтиришимиз, тижорат, ички ва ташқи бозор муаммоларини ўргатиш билан бир қаторда бўлажак мутахассислар компьютерларни ишлата биладиган, ўзбек, рус тилини яхши билиш билан бир қаторда инглиз тилида гапира оладиган замонавий кадрлар тайёрлашни бош вазифага айлантиришимиз зарур.

Бу масалани Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тезда ўрганиб, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Жумҳурият деҳқончилик саноат комплекси тармоқларини бошқариш тартибининг кейинги йилларда қайта-қайта ўзгартирилиши ижобий натижа бермади. Аксинча, бир қанча қийинчиликлар туғдирди. Шуни ҳисобга олиб, жумҳурият Президентининг фармони билан Қишлоқ хўжалик вазирлиги қайта тикланди. Мева-сабзавотчилик соҳаларини ўз ичига олган махсус концерн тузилди. Шунингдек озиқ-овқат саноати ва балиқчилик концерни тузилди.

Бундай қилишдан мақсад колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш ишларини янада такомиллаштириш асосида халқ таъминотини яхшилашдан иборат. Шунинг учун бу янгидан тузилган вазирликлар, концерн ва бирлашмалар ўзларининг ташкилий ишларини қисқа муддатларда тамомлаб олишлари, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турган муаммоларни тезроқ ҳал қилишнинг янги усулларини жадал амалга ошириши лозим.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари эътиборини биринчи навбатда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий масалаларга қаратмоғи зарур. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг социал масалаларни ҳал этиш, уй-жой, йўл қурилиши, меҳнатга ҳақ тўлашни тобора ошириб бориш учун керак бўлган барча маблағ колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ корхоналари ҳисобига бўлгани ҳолда даромадни кўпайтириш, банк кредитларидан тўғри фойдаланиш йўллари ташкилот раҳбарларининг доимо диққат марказида туриши керак. Чунки, солиқ системаси ўзгаряпти, қишлоққа керак бўлган қурилиш материаллари, ўғит, эҳтиёт қисмларнинг нархи тобора ошиб боряпти. Бу шароитда ҳар бир хўжалик раҳбари ва мутахассис иқтисодиёт сирларини чуқур ўрганиб олишлари ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасидан фойда ундиришга ҳаракат қилишлари лозим. Уни фақат ишбилармонлик, ҳисоб-китобни чуқур билишлик ҳал қилади.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида пахта тайёрлов пунктларини колхоз ва совхозлар ихтиёрига бериб, пахта тозалаш заводлари эса хўжаликлардан келган чигитли пахтани шартнома асосида қайта ишлаб бериш вазифасини ўташ билан шуғулланди. Бу иш яхши натижа берди. Бу тажрибани кенг жорий қилиш бўйича жумҳурият ҳукумати яқинда тегишли қарор қабул қилди.

Азиз ўртоқлар! Ўлкамизга илдам қадамлар ташлаб баҳор кириб келмоқда. Деҳқонларимиз азалдан Наврўз байрамини нишонлагандан сўнг белни боғлаб, дала ишларига жадал киришиб кетганлар.

Асримизнинг тўқсонинчи йиллари биринчи ҳосилига пухта замин яратиш учун аввало барча хил техника тайёрлигини синчиклаб кўздан кечириб, нуқсонларини бартараф этишимиз керак. Ҳар бир экиннинг навлари ва репродукциялари тўла ҳисобга олинган ҳолда уруғи тайёр қилиб қўйилмоғи керак. Шунда экинларнинг ҳаммасини ўз муддатида сифатли экиш учун шароит туғилади. Жумҳуриятимизда баҳорги дон, маккажўхорини экиш бошлаб юборилади.

Экин-тикин ишлари сифатли ўтсин десак, ерларни тўғри тайёрлаш, уруғ экиш нормаларини, чуқурлигини шароитга мос қилиб ўтказишимиз керак.

Ҳар тур экинни алмашлаб экиш хариталарида кўрсатилган далаларга оғишмай тўла жойлаштиришнинг аҳамияти ҳозир ниҳоятда катта. Бунда янглишсак, уни тузатиш учун яна бир йил керак бўлади. Пахтанинг салмоғи анча камайган бу йилда алмашлаб экишни жорий этиш учун шароит яхшиланиб қолди. Шундан тўла фойдаланайлик.

Юртимизда боғ, узумзор, ўрмонзорлар барпо қилиш учун энг қулай кунлар келди. Бу ишни байрамга айлантирайлик! Қўлимизда 20 минг гектар боғ, деярли 10 минг гектар токзорга етарли кўчат бор. Терак, гужум, қорамон ва тол каби иморатбоп ва манзарали дарахтлар учун хўжаликларда махсус ер ажратайлик, кенгайтирилган томорқаларда экин-тикин ишлари яхши ўтиши учун барча шароитларни яратиб берайлик. Бир қарич она ер экинсиз партов бўлиб қолмасин.

Мен маърузада қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ва муаммолари ҳақида тўхталиб ўтирмадим.

Ўйлайманки, бу масалалар сўзга чиққан қурултой қатнашчиларининг нутқида чуқурроқ ёритиб берилади, уларни ечиш йўллари кўрсатилади.

Агросаноат тармоқларини юксалтириш масалалари жойларда конкрет шароитни ҳисобга олиб, колхоз, совхоз жамоаларида, партия ташкилотларида муҳокама қилинади ва ижроси белгиланади. Бу масалалар қишлоқ коммунистларининг асосий вазифаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ҳурматли ўртоқлар! Халқимизга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тобора кўплаб етиштириб беришдек ғоят улуғвор вазифаларни бажариш йўлида сизларга куч-ғайрат, мустаҳкам саломатлик, бахт-соадат, Иттифоқимизнинг тенг ҳуқуқли суверен жумҳурияти — севимли юртимиз Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун муваффақиятлар тилайман.

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

собга олиб компенсация тўловлари миқдорини белгилаш йўли билан компенсация тўланади.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига оид ССР Иттифоқи ва республикалар ўртасидаги битимга мувофиқ республикалар, ўлкалар ва вилоятлар бўйича компенсация миқдори аҳоли 1990 йилги давлат ресурсларидан амалда моллар истеъмол қилганлигига ва кўрсатилган хизматларга қараб белгиланиши;

студентлар ва ўқувчиларга, пенсионерларга, болаларга ҳамда ижтимоий пенсия ва нафақа оладиган бошқа болаларга дастлабки компенсация тўловлари олдиндан, истеъмол моллари ва хизматларига янги нархлар жорий этиладиган муддатгача тўланиши;

республикаларнинг идоралари регионал шароитлар ва истеъмол тартибини ҳисобга олиб, компенсация тўловларининг аниқ миқдори ва тартибини ушбу қарорда кўзда тутилган аҳоли тегишли гуруҳлари даромадларини оширишнинг кафолатланган миқдоридан паст бўлмаган миқдорда белгилайдилар, деб белгилаб қўйилсин. Бунда янги чакана нархларни жорий этишда ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги ана шу битимда ҳамда мазкур қарорда кўзда тутилган даражаларга амал қилинади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН ЭНГ КАМ МИҚДОРИ

ИШЛАБ ТУРГАН ФУҚАРОЛАРГА

14. Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига кўра бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган тариф ставкалари ва мансаб окладларини қайта кўриб чиқсинлар.

Ставкалар ва окладларни корхона маъмурияти касаба уюшмаси комитети билан келишиб, ушбу қарорнинг 13-бандида баён этилган компенсация тўлашнинг асосий қоидалари ҳамда республикалар ҳукуматларининг қарорлари ҳисобга олинган тартибда ва миқдорда, бироқ ойига 60 сўмдан кам бўлмаган миқдорда оширилади.

Зарур ҳолларда дастлабки тўловлар мутлақ миқдордаги алоҳида ведомостлар асосида иш ҳақига махсус қўшимча тарзида тўлансин, сўнгра ана шу миқдор ставкалар ва окладларга киритилсин.

Давлат тариф ставкалари мансаб окладларини қўллаётган жамоа ва кооператив хўжаликларга, жамоат ташкилотларига ишлаб турганлар иш ҳақини ушбу қарорда давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгиланган қоидаларни ҳисобга олиб ошириш тавсия этилсин.

15. СССР ҳукуматининг ва унинг топшириғига кўра бошқа органларнинг қарорлари билан тасдиқланган ҳамда ушбу қарорнинг 14-бандига мувофиқ 60 сўм оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладлари бундан буён, СССР Олий Кенгаши энг кам иш ҳақининг янги даражасини белгилаш тўғрисида қонун ҳужжатлари қабул қилиб, меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилгунга ҳамда корхоналар маъмурияти билан касаба уюшмалари (ёки меҳнат коллективи вакил қилган бошқа орган) ўртасида тариф битимлари тузилгунга қадар муайян касб-малака гуруҳлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам даражаларининг давлат кафолатлари деб ҳисоблансин. Бунда меҳнат қонунида белгиланган иш вақтига риоя этиш ва ходим меҳнат мажбуриятларини (меҳнат нормаларини) бажариши шарт.

16. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 14-бандига мувофиқ корхоналар ишчилар ва хизматчиларга оширилган тариф ставкаларини, мансаб окладларини мустақил белгилайдилар, бунда ходимлар категориялари орасидаги ставкалар ва окладлар миқдорида амалдаги нисбатлар сақланиб қолади, шунингдек қўшимчалар, мукофотлар ва рағбатлантирувчи тусдаги бошқа тўловлар, жумладан кўп йил ишлагани учун бир марта бериладиган мукофотнинг турлари ва миқдорини белгилайдилар. Бунда корхоналар ва илгари ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар сақлаб қолинади.

Ходимларнинг тегишли касб-малака гуруҳлари учун ставкалар ва окладларнинг, шунингдек устама ҳақ, қўшимчалар ва мукофотларнинг аниқ миқдори корхоналарда жамоа шартномалари (тариф битимлари) шартлари асосида белгиланади.

Ана шу ҳуқуқлар «СССРда корхоналар тўғрисида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ҳамда «1991 йилги Иттифоқ бюджети ҳақида»ги СССР қонунларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобига ва улар доирасида рўёбга чиқарилади. Бунда 1991 йилги истеъмол фондини ташкил этиш учун қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг база фонди ушбу қарорнинг 14-бандида кўзда тутилган ставкалар ва окладларнинг энг кам даражада оширилган миқдорига етказилади.

Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ушбу ҳуқуқларни ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида рўёбга чиқарадилар.

17. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражалари ҳамда ставкалар ва окладларни ошириш тартибининг давлат кафолатлари мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишга ёлланган шароитдаги меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга жорий этилади.

18. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият соҳаси ва архив муассасаларининг етакчи касблардаги ходимларининг иш ҳақи ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларига тўланадиган меҳнат ҳақига яқинлаштирилган ҳолда оширилсин.

Нарх-наво оширилиши муносабати билан ана шу тармоқларнинг. ходимларига (шунингдек бошқа тармоқларнинг ходимларига ҳам) олдиндан компенцация тўловлари ойига 60 сўм миқдорида алоҳида ведомость бўйича тариф ставкалари ва окладларига махсус қўшимча тарзида тўлансин.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети ходимларининг ана шу категорияларига тариф ставкалари ва окладларининг янги миқдорларини тасдиқласин. Бунда ана шу тариф ставкалари ва окладларининг миқдорини СССР ҳукумати ёки унинг топшириғига кўра бошқа идораларнинг қарорларида илгари белгиланганига қараганда ўртача 1,6-1,7 баравар (ушбу қарорнинг 14-бандида кўзда тутилган тадбирларни ҳисобга олиб) ошириш кўзда тутилсин.

19. Республикаларнинг ҳукуматлари мамлакатнинг Шимолий ва Шарқий минтақаларида узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига коэффициентлар (район, баланд тоғларда, чўлда ва сувсиз районларда ишлаганлик учун) ва фоизли қўшимчалар белгилаш учун иш ҳақининг амалдаги энг кўп миқдори (300 сўм)ни нарх-наво ошиши муносабати билан аҳоли даромадларини оширишнинг республикалар белгилайдиган кафолатлари миқдорида оширишлари мумкин.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА

20. Болали оилалар турмуш даражасини сақлаб қолиш мақсадида ана шундай оилаларга ижтимоий нафақаларнинг амалдаги миқдори 1,6-1,8 баравар оширилсин, шунингдек илгари нафақа олмаган 16 ёшгача бўлган болаларга, стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга махсус компенсациялар жорий этилсин.

21. Энг кам иш ҳақининг белгиланганига нисбатан фоиз миқдорида ижтимоий тўловлар миқдорларини белгилашнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Энг кам иш ҳақининг янги даражаси тасдиқлангунга қадар болали оилаларга амалдаги нафақалар энг кам миқдорининг қуйидаги давлат кафолатлари белгилансин:

а) ҳар бир бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа —250 сўм;

б) 110 сўм миқдоридаги ойлик нафақалар:

бола бир ярим ёшга тўлгунча бир йиллик иш стажига эга бўлган ишловчи оналарга (18 ёшга етмаган аёлларга иш стажидан қатъи назар), шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган оналарга. Икки ва ундан ортиқ бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болаларига;

васийликка (мутасаддиликка) олинган болаларга;

болалар уйларининг (мактаб-интернатларнинг) собиқ тарбиячилари бўлган ёлғиз оналар (аёл ва эркак бевалар)нинг болаларига;

инсоннинг иммунитети етишмаслик вируси юққан ёки СПИДга чалинган 16 ёшгача бўлган болаларга;

в) 90 сўм миқдорида ойлик нафақалар:

6 ёшдан 16 ёшгача болалари (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар) бўлган ёлғиз оналарга;

ота-онаси алимент тўлашдан бош тортадиган, ёхуд алимент ундириб олишнинг иложи бўлмаган тақдирда, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга;

г) 80 сўм миқдорида ойлик нафақалар: бир йиллик иш стажига эга бўлмаган, ишлайдиган ва ишламайдиган аёлларга бола бир ярим ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун берилади. Икки ва ундан ортиқ бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади;

бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга. Бунда жами даромаднинг оила ҳар бир аъзосига тақсимланадиган ва нафақа олиш ҳуқуқини берадиган энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг тўрт баравар оширилган миқдорида белгиланиб, икки баравар оширилсин;

6 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга;

ота-онаси алимент тўлашдан бош тортадиган ёхуд қонунда кўзда тутилган ва алимент ундиришнинг иложи бўлмаган ва бошқа ҳолларда 6 ёшгача бўлган болаларга.

22. Ижтимоий таъминотнинг амалдаги системасига кўра нафақа ва пенсия олмаётган болаларга ойлик тўловлар 16 ёшгача бўлган болаларга (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар) 40 сўм миқдорида белгилансин.

23. Болаларга аталган моллар анча қимматлашганлиги муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга бир йилга ҳисоблаганда қуйидаги миқдорда:

6 ёшгача бўлган болалар учун — камида 200 сўм;

6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун камида 240 сўм;

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун — камида 280 сўм компенсация тўловлари жорий этилсин.

Ана шу компенсация тўловини ҳар бир кварталда баббаравар улушда тўлаш тавсия этилсин.

24. Ушбу қарорнинг 21, 22 ва 23-бандларида белгиланган компенсация тўловлари онанинг асосий иш жойидан, она ишламаган тақдирда — отанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг асосий иш жойидан тўланади. Бошқа ҳолларда компенсация тўловлари болали ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи кишиларнинг истиқомат жойларидаги ижтимоий таъминот идораларида тўланади.

Ушбу қарорнинг 22 ва 23-бандларида белгиланган тўловлар жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига тақсимлаганда энг кам иш ҳақининг тўрт баравар оширилган миқдоридан кўп бўлмаган болали оилаларга тўланади.

Тегишли нафақалар ва компенсация тўловлари бир вақтнинг ўзида тўланади.

Тўловлар:

а) пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

бола бир ярим ёшга етгунча уни боқиш учун бериладиган ойлик нафақалар ва бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақалар;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болалари учун бериладиган нафақалар;

инсон иммунитети етишмаслиги вируси юққан ёки СПИД билан оғриган 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган нафақалар;

б) ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан ҳар бир бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақалар;

в) республика бюджетлари маблағлари ҳисобидан:

болалар уйларининг (интернат-мактабларнинг) собиқ тарбияланувчилари бўлган ёлғиз оналарга (тул қолган аёлларга, бева эркакларга);

6 ёшдан 16 ёшгача болалари бўлган ёлғиз оналарга (стипендия олмайдиган 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга), 6 ёшгача болалари бўлган оналарга бериладиган ойлик нафақалар;

амалдаги ижтимоий таъминот системаси бўйича нафақалар ва пенсиялар олмайдиган болалар учун ойлик тўловлар;

болаларга аталган моллар анча қимматлашуви муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга тўловлар;

г) маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан —васийликдаги (мутасаддиликдаги) болалар учун ойлик нафақалар тўланади. Бу нафақаларни халқ таълими идоралари тўлайди.

Отаси ёки онаси алиментлар тўлашдан бўйин товлайдиган ёки қонунларда кўзда тутилган ва алиментлар ундиришнинг иложи бўлмаган бошқа ҳолларда болалар учун нафақалар балоғатга етмаган болаларга муваққат нафақалар тўлаш учун ажратилган маблағ ҳисобидан тўланади.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА

25. Чакана нархлар оширилишининг ўрнини қоплаш тариқасида олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори оширилиб, ўқишдаги муваффақияти учун стипендияга қўшиб тўланадиган, СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон қарорига биноан белгиланган устамаларнинг мутлақ миқдори сақлаб қолинсин.

Олий ўқув юртларида стипендиялар:

ўзлаштирувчи студентларга ойига 120 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 135 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга ойига 150 сўм;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлмиш студентларга ойига 160 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган шундай студентларга — 185 сўм, фақат аъло баҳолари бўлганларга ойига 210 сўм;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар давлат таъминотида турган бўлса, бундай студентларга ойига 100 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 115 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга —ойига 130 сўм;

СССР ҳукуматининг қарорига биноан тўла давлат таъминотида турувчи студентларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 65 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга эса ойига 80 сўм;

собиқ ҳарбий хизматчилар бўлиб, байналмилал бурчни бажариш вақтида яраланиш, контузия, майиб бўлиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган студентларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган студентларга 195 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган студентларга эса — ойига 210 сўм;

тайёрлов бўлимларининг ўқувчиларига ойига 80 сўм стипендия белгилансин.

Олий ўқув юртларида заҳирадаги офицерлар дастури бўйича ҳарбий тайёргарлик кўраётган студентларнинг стипендияларига устамалар СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1990 йил 7 апрелдаги 330-сон қарори билан белгиланган стипендияларнинг миқдорларига асосланиб тўланади.

Ўрта махсус ўқув юртларидаги стипендиялар:

ўзлаштирувчи ўқувчиларга ойига 100 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 110 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 125 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлган ўқувчиларга ойига 160 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 185 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 210 сўм миқдорида;

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар бўлган ҳамда давлат таъминотида турган ўқувчиларга ойига 80 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 90 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 105 сўм;

СССР ҳукуматининг қарорига биноан тўла давлат таъминотида турувчи ўқувчиларга ойига 40 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 50 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 65 сўм миқдорида;

собиқ ҳарбий хизматчилар бўлиб, интернационал бурчни бажариш пайтида яраланиш, контузия, майиб бўлиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ўқувчиларга ойига 180 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга 195 сўм, фақат аъло баҳолари бўлган ўқувчиларга эса ойига 210 сўм миқдорида стипендия белгилансин.

Ҳунар-техника ўқув юртларида қуйидаги миқдорда стипендия белгилансин:

таълим муддати 10 ойдан ортиқ бўлмаган барча турдаги ҳунар-техника ўқув юртлари (қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, сув хўжалиги қурилишида ва ўрмон хўжалигида ишлаш учун ишчилар тайёрлайдиган билим юртларидан, ташқари) ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 80 сўм миқдорида, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқувчиларга — 90 сўм, фақат аъло баҳога ўқийдиганларга ойига 100 сўм, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши биринчи ва иккинчи гуруҳ инвалидларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган фарзандларига ойига 90 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳоларга ўқийдиганларга — 100 сўм, фақат аъло баҳоларга ўқийдиганларга — ойига 110 сўм;

таълим муддати 10 ойдан кам бўлмаган, СССР ҳукуматининг қарорига биноан кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланадиган барча турдаги ҳунар-техника ўқув юртларининг яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларига ойига 40 сўм, шу жумладан фақат яхши, яхши ва аъло баҳога ўқийдиганларга — ойига 45 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 50 сўм миқдорида; оилали ўқувчиларга ойига 50 сўм, шу жумладан фақат яхши, яхши ва аъло баҳолар билан ўқувчиларга — 55 сўм, фақат аъло баҳога ўқийдиганларга —ойига 60 сўм миқдорида; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига тенглаштирилган шахсларнинг шундай ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига ойига 60 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 70 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 85 сўм миқдорида; оилали ўқувчиларга ойига 70 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 80 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — ойига 95 сўм миқдорида;

Шундай ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган, давлат таъминотида турган етим болаларга ҳамда ота-онаси васийлигидан маҳрум бўлган болаларга ойига 80 сўм, шу жумладан фақат яхши, шунингдек яхши ва аъло баҳолар билан ўқийдиганларга — 90 сўм, фақат аъло баҳолар билан ўқийдиганларга —ойига 105 сўм миқдорида.

Аспирантлар ва докторантларнинг амалдаги стипендиялари миқдори ойига 60 сўм оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, стипендия оладиган, бундай стипендиянинг янги миқдори ушбу қонунда белгилаб қўйилмаган ўқувчи ёшларга: олий ўқув юртларида — ойига 60 сўм ва ўрта махсус ўқув юртларида ойига 55 сўм компенсация тўланади. СССР Давлат халқ таълими комитети, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети СССР Молия вазирлиги билан биргаликда ёшларнинг мазкур тоифалари учун стипендиялар миқдори тўғрисидаги таклифларни тайёрлаб, бир ой муддат ичида СССР Вазирлар Кабинетига тақдим этсинлар.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА, НОГИРОНЛАРГА ВА БОҚУВЧИСИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН ОИЛАЛАРНИНГ АЪЗОЛАРИГА

26. Нарх оширилиши муносабати билан компенсация учун ишламаётган пенсионерларнинг қарилик пенсиялари, меҳнат пенсиялари, ногиронлик, боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун пенсиялар, ижтимоий пенсиялар, шунингдек ишламайдиган пенсионерлар қарамоғидаги бошқа асосларга кўра компенсация олмайдиган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қўшимчалар ойига 65 сўм кўпайтирилсин.

Етим болаларга боқувчисини йўқотганлик учун пенсияси ҳозирги оширилишига нисбатан икки баравар миқдорда кўпайтирилсин.

Ишлаётган пенсионерларга чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан компенсация тўловлари ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибда берилсин.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, СССР Молия вазирлиги, СССР Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан биргаликда бир ой муддатда чакана нархлар оширилиши компенсацияси билан боғлиқ равишда тариф ставкалари ва мансаб маошлари кўпайтирилиши муносабати билан пенсия тайинлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, компенсация тўловлари жорий этилишини ҳисобга олиб, ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари ҳамда оддий ходимлари ва бошлиқлар пенсияларини ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

27. Республикаларнинг ҳукуматлари ижтимоий-маиший имтиёзларни, шу жумладан, амалдаги қонунларда ногиронлар учун бериладиган транспорт воситаларини харид қилиш, шунингдек, уруш ва меҳнат ветеранлари, фуқароларнинг бошқа тоифалари транспорт воситаларини капитал ремонт қилиш билан боғлиқ харажатларни республика бюджетлари ҳисобидан қоплаш миқдори ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек, шу билан боғлиқ равишда тегишли идоралар (ташкилотлар) ўртасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби ҳақидаги масалани кўриб чиқсин.

28. Республикаларнинг ҳукуматларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига аҳолининг камбағал табақаларига пул компенсацияларини ижтимоий ёрдамнинг хилма-хил турлари (шу жумладан, натура ҳолида бериладиган ёрдам) билан — солиқ солишда имтиёз бериш, коммунал ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, ер участкалари, имтиёзли шартлар билан боғ уйлари ажратиб бериш, айниқса, болалар, ногиронлар, пенсионерлар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган бошқа табақаларига ҳақини қисман тўлаш шарти билан ёки текинга озиқ-овқат ва саноат моллари энг зарур турлари тўпламларини топшириш, ногиронлар ва қариялар учун дори-дармон ҳамда махсус мақсадга мўлжалланган моллар учун счётларни тўлаш, текин овқатланиш, шаҳар ва шаҳар атрофи транспортидан фойдаланиш учун имтиёз бериш ҳамда ёрдамнинг бошқа турлари билан тўлдириш тавсия этилсин.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА

29. 1991 йил 1 майдан бошлаб мансаб окладлари миқдори қуйидагича оширилсин:

Офицерлар таркибига кирувчи шахсларга, прапоршчикларга, мичманларга, муддатдан ортиқ хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларга ойига 80 сўм, ички ишлар органлари оддий ходимлари ва бошлиқлар таркибига — ойига 60 сўм;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, суворовчиларга, нахимовчиларга, мусиқий тарбияланувчиларга ва курсантларга — ойига 20 сўм, офицерлик унвони бўлмаган ҳарбий ўқув юртлари тингловчиларига — ойига 60 сўм.

Ана шу шахсларга давлат чакана нархлари оширилган кундан 1991 йил 1 майгача бўлган давр учун мазкур миқдордан келиб чиқиб компенсация тўланади.

Ҳарбий қурувчиларга ойига 60 сўм миқдорида компенсация тўланади.

30. Ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий қурувчиларни, СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, темир йўл қўшинлари ҳамда СССР Алоқа вазирлиги ҳарбий-тиклаш бошқармаси оддий аскарлар ва бошлиқлар таркиби, ишчилари ва хизматчилари, пенсионерларини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда моддий таъминотнинг бошқа турлари учун харажатлар моддий таъминотнинг ана шу турлари учун нарх-наво ортиши ўрнини қоплайдиган миқдорда кўпайтирилсин.

31. Ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари, оддий аскарлар ва бошлиқларининг ишламайдиган хотинларига уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган олис гарнизонларда ва жойларда компенсация тўловлари жорий этилсин (ҳарбий қисмларни, муассасаларни, ички ишлар органларини олис жойларда ва гарнизонларда жойлаштирилган қисмлар қаторига киритиш тартиби ва шартини СССР Мудофаа вазирлиги , СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети ҳамда СССР Молия вазирлиги билан келишиб белгилаб беради).

Мазкур шахсларнинг ишламайдиган хотинларига компенсация тўловлари эрининг хизмат жойида ойига 60 сўм миқдорида берилади.

32. СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ишчилари ва хизматчиларига, ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларига компенсация халқ хўжалиги ходимлари ва пенсионерлар учун белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида тўланади.

33. СССР Мудофаа вазирлиги, СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, темир йўл қўшинлари ва СССР Алоқа вазирлиги ҳарбий-тиклаш бошқармаси ҳарбий хизматчиларига, шунингдек, оддий аскарлари ва бошлиқларига пул тўловларини, ишчилар ва хизматчиларга иш ҳақини, ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни ошириш, ана шу тоифадаги кишиларнинг оилаларига ва болаларига нафақалар тўлаш ушбу қарорда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда, ушбу масалалар юзасидан республика ҳукумат идоралари қабул қилган қарорлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

СССР Молия вазирлиги мазкур вазирликлар ва комитет билан биргаликда компенсация тўлаш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаб берсин.

ИШСИЗЛАРГА

34. Иш ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган, давлат иш билан таъминлаш шўъбасида иш излаётган шахс сифатида рўйхатга олинган фуқароларга касб тайёргарлиги, малакани ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтиш даврида стипендияга қўшимча равишда бутун таълим даврида ойига 50 сўм миқдорида компенсация тўланади.

Белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган фуқароларга ишсизлик нафақасига қўшимча равишда ойига 50 сўм миқдорида компенсация тўланади. Компенсацияни қанча давргача тўлаш ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асослари 28-моддасига мувофиқ белгиланади.

БОШҚА КОМПЕНСАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ

35. СССР Молия вазирлиги СССР Давлат халқ таълими комитети, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, СССР Маданият вазирлиги, бошқа манфаатдор СССР вазирликлари ва идоралари билан биргаликда касалхоналарда, поликлиникаларда, мактабгача болалар муассасаларида, мактабларда, болалар уйлари ва интернатларида, қариялар ва ногиронларнинг интернат уйларида ҳамда Иттифоқ ихтиёридаги бошқа ташкилотларда овқатланиш, юмшоқ жиҳозлар, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ҳамда ўқув мақсадлари учун буюмларни харид қилишга харажатларнинг пул меъёрини оширсинлар. Бундай муассаса ва ташкилотлар оширилган меъёрга мувофиқ ўз вақтида пул билан таъминлансин.

Республикаларнинг ҳукуматларига республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан пул билан таъминланадиган мазкур муассасалар учун худди шундай ишларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш тавсия этилсин.

36. Аҳлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тариф ставкалари ва мансаб окладлари камида ойига 60 сўм миқдорида оширилсин. Мазкур шахсларнинг иш ҳақининг ана шу оширилган қисмидан ана шу муассасаларни сақлаб туриш харажатларини қисман қоплаш учун маблағ ушлаб қолинмайди.

37. Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолига компенсация тўловлари, фуқароларнинг даромадларига ва корхоналарнинг фойдаларидан солиқ ундириш системаси билан қайтариб олинмаслиги лозимлигига асосланиб, СССР Молия вазирлиги ва СССР Адлия вазирлиги «СССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисида»ги СССР Қонунига, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунига ҳамда СССР Олий Кенгашининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласинлар, бунда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдорини 160 сўмга қадар ошириш ҳамда фуқароларнинг ойига 160 сўмдан ошадиган даромадларидан даромад солиғи миқдорини камайтиришни, айни пайтда олдин белгиланган 700 сўм ўрнига ойига 1000 сўмдан ортиқ даромаддан 13 фоизга қўшимча солиқларнинг кўпайиб борадиган жадвали қўлланиш кўзда тутилсин;

Корхоналар ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқ миқдори 35 фоизгача камайтирилсин, шунингдек, корхоналар асосий фаолиятида банд бўлган ходимлар ўртача ойлик иш ҳақининг маҳсулот таннархига киритиладиган даражасининг чегараси 480 сўмгача оширилсин.

38. СССР Давлат банки ва СССР Жамғарма банки СССР Вазирлар Кабинети билан келишган ҳолда 1991 йил 1 мартдаги ҳолатга биноан омонатлар ва сертификатлар эгаларига, СССР Молия вазирлиги томонидан эса аҳолига сотилган давлат қимматли қоғозларининг эгаларига бир вақтнинг ўзида нарх-навонинг оширилиши муносабати билан кўрадиган зарарларни қоплаш чораларини амалга ошириш маълумот учун қабул қилинсин.

39. Белгилаб қўйилсинки, табиий иқлими оғир шароитда яшаганлик учун иш ҳақига коэффициентлар жорий этилган районларда ва жойларда ушбу қарорга мувофиқ равишда янгидан белгиланган ва оширилган стипендиялар ҳамда нафақалар, шунингдек, пенсияларга, нафақаларга ва стипендияларга компенсациялар ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун жорий этилган коэффициентлар ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

40. Чакана нархларнинг оширилишидан олинган маблағларнинг бир қисми ҳисобига ёрдам бериш ягона Иттифоқ-республика молия фонди барпо этилсин, барча республикалардаги аҳолига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга ҳамда Иттифоқ бюджети маблағи ҳисобидан даромад оладиган бошқа фуқароларга белгилаб қўйилган энг кам миқдордаги компенсация тўловларини таъминлаш учун шу фонд маблағидан фойдаланилади.

СССР Молия вазирлиги, СССР Давлат план комитети, СССР Давлат нарх комитети ва СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда икки ҳафта ичида мазкур фонд миқдори ҳамда уни барпо этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисидаги таклифларини киритсин.

Барча турдаги пенсиялар ва нафақалар миқдори ошганлиги муносабати билан СССР Молия вазирлиги СССР Пенсия фонди ва СССР Ижтимоий суғурта фонди билан биргаликда ана шу фондларга компенсация тўлови учун қўшимча харажатларни қоплаш тартибини белгиласин.

41. Республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига доир битимга амал қилиб, янги давлат чакана нархлари, бошқариладиган ва эркин нархлар жорий этилиши ҳамда аҳолига компенсация тўловларига доир тадбирларнинг амалга оширилиши муносабати билан товарларни қайтадан баҳолаш чоғида чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қоидалари ҳаётга қатъий тадбиқ этилишини таъминласинлар, эҳтимол тутилган суиистеъмолларнинг олдини ўз вақтида олсинлар.

42. Чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан бевосита компенсацияни ҳисоблаб чиқадиған ва маблағни тўлайдиган банк муассасалари, алоқа корхоналари, ижтимоий таъминот идоралари ходимларининг белгиланган иш вақтига қўшимча ва байрам кунларидаги ишлари учун меҳнат ҳақи тўлаш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари асослари 40- ва 41-моддаларига мувофиқ амалга оширилсин.

43. СССР Давлат нарх комитети ва СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети СССР Адлия вазирлиги ҳамда СССР Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда СССР ҳукумати қарорларини ушбу қарорга мувофиқлаштиришга доир таклифларни СССР Вазирлар Кабинетига тақдим этсин.

44. СССР Давлат ҳисоб комитети ва СССР Молия вазирлиги СССР Давлат нарх комитети билан биргаликда СССР Давлат банкини, СССР Пенсия фондини ва СССР Ижтимоий суғурта фондини жалб этган ҳолда чакана нархларнинг оширилиши муносабати билан молларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган пулнинг ўзгариши, бюджет даромадлари ва аҳолига компенсация тўловлари ўзгаришига доир маълумотларни ҳисобга олиш системасини ишлаб чиқсин ва бундай маълумотларни тўплашни ташкил этсин.

Корхоналар ва муассасалар зиммасига улар қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, статистика ҳисоботларининг белгиланган шаклларига қўшимча равишда зарур маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклансин.

45. СССР Давлат нарх комитети, СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, СССР Давлат режа комитети ва СССР молия вазирлиги зарур ҳолларда ушбу қарорни қўллаш тартибини тушунтириб берсин.

46. СССР Молия вазирлиги 1991 йилги Иттифоқ бюджети даромадлари ва харажатларини аниқлашга доир таклифларни ҳамда «1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни тақдим этсин.

Бош вазир
В. ПАВЛОВ.

Ишлар бошқарувчиси
Й. ШКАБАРДНЯ.

Ушбу қарорга 1-, 2- ва 3-иловалар «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги битим»га берилган 1-, 2- ва 3-иловалар билан бир хилдир. Битимга иловалар «Совет Ўзбекистони»нинг 21 март сонида эълон қилинган.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида...

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисни жумҳурият Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

СССР референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссияси раисининг Ўзбекистон ССРда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш юзасидан бўлган референдум якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Совет, партия идоралари, жамоат бирлашмалари, халқ депутатларининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишлари, Марказий комиссиянинг ана шу ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирни ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлашга оид аниқ-пухта фаолияти туфайли республикамизда референдум юксак даражада ўтди, Ўзбекистон халқлари мустақил давлатларнинг янгиланган Федерацияси сифатида ягона Иттифоқни сақлаб қолиш йўлига қатъий содиқ эканлигини намойиш қилди. Референдум чоғида фуқаролардан тушган хатлар ва аризаларни ниҳоятда синчковлик билан таҳлил этиш, мазкур мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан амалий тадбирлар кўриш зарур, деб топилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг 1991 йилги қонун лойиҳаларига доир ишлари режаси кўриб чиқилди.

Мажлисда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши раёсатининг Узун районини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. Мазкур масалага доир Фармон лойиҳасини Ўзбекистон ССР Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилинди.

Республика Президенти И. А. Каримов тақдим этган «Ўзбекистон ССРда СПИД касаллигининг олдини олишга доир шошилинч тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг лойиҳаси муҳокама қилинди. Раёсат республикада СПИД касаллиги оқибатларининг олдини олиш ишида ушбу Фармоннинг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, унинг лойиҳаси матнини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1985 йил 17 августдаги Фармонининг матнига ўзгартишлар киритилди. М. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати вазири вазифасидан озод этилди.

Б. Р. Раҳимовнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

...ва комитетларида

26 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ёшлар ишлари ва қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, республика вазирликлари ва идораларининг, прокуратура, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг, вояга етмаганлар тарбия меҳнат колонияларининг, махсус ҳунар-техника билим юртларининг, махсус мактаб-интернатларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисда балоғат ёшига етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг аҳволи ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ёшлар ишлари комитетининг мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда республика комсомоли Марказий Комитетининг котиблари, вилоят комсомол комитетларининг биринчи котиблари қатнашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССРда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари» Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мажлисда, шунингдек, комитетнинг 1991 йил учун тузилган иш режаси ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди. (ЎзТАГ).

• *Абдулла Орипов — 50 ёшда* •

Ўткир ҲОШИМОВ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ОЙ НУРИГА ЎХШАЙДИ

(Дўстим ҳақида сўз)

Абдулла Орипов шеъриятини бир қолипга солиб хулоса чиқариш мушкул. Муҳтарам олимларимиз ибораси билан айтганда «шоир ижодида мана бу хусусият қизил ип бўлиб ўтади», дейиш ҳам қийин. «Диалектика» шеърида шоир ўзи ёзганидек, ҳаётда эзгулик билан разолат, нур билан зулмат уйғунлашгани каби бадиий ижодда ҳам турфа ранглар инъикоси акс этади ва улар маълум «тафаккур тоғораси»га сиғмайди.

Билакс, Абдулла Орипов ижодига оид яхлит бир муштаракликни англаш қийин эмас. Шоирда катта, чинакам, инсоний Дард бор! Сўрашингиз мумкин: дардсиз шоир ҳам бўладими? Тўғри, ижод дардсиз туғилмайди. Аммо бадиий ижоднинг оддий қонунияти бор: қаламкашнинг одамларга тўкиб солмоқчи бўлган туйғуларию дардлари қанча катта, қанча теран ва нозик бўлса, асарнинг тили шунча бийрон, фалсафаси шунча чуқур, таъсири шунча кучли бўлади. Абдулла Орипов шунақа шоир!

Унинг ижод оҳанглари симфонияга ўхшайди. Майин лирика билан ҳайқириқ, теран фалсафа билан киноя-қочириқлар, осойишта туйғулар билан бир қадар асабий хитоблар бир-бирини тўлдиргандек бўлади.

Бироқ мана шу хилма-хил оҳанглар, бир-бирига ўхшамайдиган ва ҳатто бир-бирини рад этадиган ранго-ранг бўёқлар, илтижо ва ҳайқириқлар, фикр ва хулосаларда бир умумийлик бор. Абдулланинг шеъриятида МУНГ бор!

Шоир куз ҳақидаги шеърларидан бирида ёзади!

«Қайрағоч ёнида ғамгин ўлтириб,
Чолларга хассалар йўнган бу фасл...».

Биламан, булар — шоирнинг энг топилма сатрлари эмас. Бироқ, мана шу икки сатрнинг ўзида, назаримда, кузнинг яхлит манзараси бор. Наинки, манзара, куз фалсафаси, табиат фалсафаси, инсон фалсафаси... борингки, бутун бир ҳаёт фалсафаси жамланган.

Ёки ҳар бир авлод ўзича янгилаб, ёд олиб юрадиган «Биринчи муҳаббатим»ни эсланг.

«Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зуҳро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Руҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим...»

Бошқаларни билмадиму, менга қолса бу шеърни бақириб эмас, шивирлаб ўқиш керак. Негаки, булар ўта «шахсий» ва айни пайтда ўта «умуминсоний» сатрлар.

Шеърнинг биринчи бандиёқ ўқувчи қалбига жиз этиб тегади ва муҳрланиб қолади. Гап манзара, ҳолат, руҳиятнинг аниқлигидагина эмас. Гап шундаки, бу туйғулар шоир қалбидан самимий ва дардли оташ бўлиб отилиб чиқяпти. Ўзинг ёнмагунча бировни иситолмайсан. Шоир эса ёниб кетяпти. Қалбидан отилиб чиққан чўғ ўқувчига сачраяпти. Сеҳрли ҳолат...

Баҳор ҳақида шеър ёзмаган шоир йўқ. Кўп шоирларда баҳор бир қадар кўтаринки руҳда тасвир этилади, табиий ҳол. Бироқ Абдулланинг баҳорга оид шеърларида ҳам дард бор.

«Узоқлардан залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Баслинг менга бўлмади насиб.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
Сен баҳорни соғинмадингми!..».

Тағин ўша дард, ўша мунг... Лекин бу ғуссали, азадорликка оид мунг эмас. Унда бошқа нарса бор... Нима десам экан?.. Бу — ой нурига ўхшаган ғалати туйғу... Сеҳрли, сирли, покиза, юмшоқ ва айни пайтда долғали... Хуллас, тушунтириб бериш қийин. Начора, шеърият тушунилмайди, ҳис этилади.

60-йиллар бошида ўзбек адабиётига янги авлод кириб келди. Шеъриятў насрда ҳам, драматургия ва адабий танқидда ҳам... Эътиборли олимларимиз тўғри таъкидлайдилар: ўша йиллари сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда анча ўзгаришлар рўй берди. Эрк шабадалари эса бошлади. Шеъриятда риторика, мадҳиябозлик: насрда сиёсатбозлик, баёнчилик, адабий танқидда синфийлик, ғоявийлик позицияси»ни дастак қилиб, тирноқ остидан кир излашларга маълум маънода чек қўйилди. Аммо 50 йиллик касалликни бир йилда даволаш мушкул эди. 90-йиллар адабиётининг вакиллари ўттиз йил илгари шу майдонга кириб келган авлод бошида ҳам анча-мунча йўғон таёқлар синганини яхши билмайдилар. Бу «калтак»лардан Абдулла ҳам бенасиб қолмаган. Шоирни «йиғлоқи»ликда айблаганлар, «муҳаббат ҳақида тўртта шеър қоралаб, қарсак олиб юрибди», деб висирлаганлар бўлган.

Майли, ҳар кимнинг гуноҳи-савоби ўзига. Шундай қилиб, 60-йилларда ўзбек адабиётида янги авлод пайдо бўлди. Бу авлод ўз ўтмишдошлари мажбуран тиқилган қолиплардан чиқиб кетишга ҳаракат қилди ва бунга эришди. Аммо азбаройи «фалончи ёзувчига, фалончи шоирга қасдма-қасдига бошқача асар ёзамиз» деган ўй бу авлод вакилларининг хаёлига ҳам келган эмас. «Мендан олдин ўтганлар ҳеч ким эмас, ҳаммасини ўзим қойил қиламан» деган шиорни бош мақсад қилиб олган қаламкаш қандайдир майдалашиб кетади. Охир-оқибат, бу нарса ижодида ҳам акс этади.

Хўш, бўлмаса нима? Абдулла Орипов ва бошқалар шеъриятида мутлақо янгича тафаккур, янгича фалсафа йўли қай тарзда пайдо бўлди? Шубҳасиз, бунинг учун ўша замондаги ўзгаришлар ҳам замин яратди. Ижодкорлар «керакли гап»ни эмас, ўз гапини айтадиган бўлди. Лекин бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Хурматли материалист олимларимиз мендан ранжимасинлар. Уларга ёқадими-йўқми, бир ҳақиқатни тан олишга тўғри келади. Шеъриятда ва умуман бадиий ижодда (мен чинакам истеъдодларни назарда тутяпман) илоҳиёт бўлади. Шоир ёки адибми, бастакор ёки мусаввирми, ғалати туйғулар, ғалати фалсафалар, дард ва мунглар, оҳанг ва бўёқлар, тақдир ва қиёфалар ижодкорларнинг кўнглига ғойибдан тушади!

...Ҳақиқий ёзувчи шундай бўладики, кўплаб китобхонлар касби ва ёшидан қатъи назар, ўша адибнинг ақалли тўртта қаҳрамонини ўзига ошно тутади. Бир умр эслаб юради. Роман ёки ҳикояни ўқиганда анча кун ўзига келолмайди. Боласининг исмини асар қаҳрамони номи билан атагиси келади. Чинакам шоир шундай бўладики, кўплаб китобхонлар унинг ақалли тўртта шеърини ёддан билади. Атайлаб ёдламайди, шеърларнинг ўзи қалбига, хотирасига муҳрланиб қолади.

Абдулла Орипов шунақа шоир. Ўзбекистонда Абдулла ижоди кириб бормаган хонадон йўқ, десам муболаға бўлмаса керак. Унинг тўртта эмас, ўнлаб шеърларини, ҳатто достонларини ёддан ўқиб юрган талабаларни, мактаб болаларини, зиёлиларни, колхозчилару боғбонларни танийман. Қаламкаш учун бундан ортиқ бахт йўқ!

Ва, ниҳоят тағин бир гап. Абдулла икковимиз устоз Миртемирга тақлид қилиб, бир-биримиз билан «бўтам» деб, «сен» деб гаплашамиз. Тенгдошларим орасида фақат собиқ синфдошларимга, ижодкор сафдошларим орасида фақат Абдуллага «сен» дейишга ҳаддим сиғади.

Абдулла! Аввал соғ-саломат бўлгин! Ижод карвонининг йўли оғир, манзили олис. Карвонни манзилга омон-эсон етгулик қилсин. Асарларинг ой нуридек сеҳрли ва покиза нур тўкаверсин! Ҳар бир шеърингни, ҳар бир сатрингни кутиб турган халқ олдида юзинг ёруғ бўлсин, бўтам!

• Ҳамкасбимиз

КАМТАРГА КАМОЛ



Шундай одамлар бўладики, ҳаётда ҳам, ишда ҳам ўзини сездирмасликка интилиб юради-ю, меҳнати доимо сезилиб туради. Муомалада эса худди бировга озор бериб қўймай дегандай, ўзини камтарона тутади-ю, аҳёнда бирон сабаб билан ишга бир зум келмай қолганида дарров ўрни билинади. Унинг қадрини ана ўшанда ҳамма тушуниб олади.

Бизнинг Ёқубжон ҳам ана шундайлардан...

30 йилдан кўпроқ вақт муқаддам у Ўзбекистон телеграф агентлиги эшигини қоқиб, ишга олишларини сўради. Бошлиқ унинг қўлидаги ҳужжатларни олар экан, кўзларига ишонмас, бир унга, бир дипломга қарар эди.

Дарҳақиқат, Ёқубжон Иброҳимов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини битириб келган эди. Аввалига уни имло кўрувчи — корректорлик ишида синаб кўришди. Мамлакат ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй бераётган ўша жўшқин кезларда матбуот ходимларининг кўни туққан эди. Айниқса, ТАСС орқали олиниб, чоп этиладиган материалларни ўзбек тилига ағдариш ҳамда рўзномалар таҳририятларига кам-кўстсиз, хатосиз етказиб бериш вазифаси ЎзТАГ ходимлари зиммасида эди. Ўша пайтда Усмон Япиев, Яҳё Йўлдошев, Насибулло Ҳабибуллаев, Турғун Пўлат, Шербек Алиев, Илҳом Фозилов, Тошқин Мўминов сингари ҳозиржавоб, забардаст таржимон ва муҳаррирлар бу ишни бажаришар эди. ЎзТАГ раҳбари Рихси Сахибоев эса ишларнинг пухталигини доимо назоратдан ўтказиб турарди.

Ёқубжон Иброҳимов уларнинг сафидан ўрин олди. Партия ва ҳукуматнинг жуда муҳим ҳужжатлари, съезд ва пленумлардаги маъруза ва нутқларнинг мазмунини ўзбек газетхонларига тўла ҳолда маънодор етказиб беришга баҳоли қудрат ҳисса қўша бошлади. У кунни тунга, тунни кунга улаб беминнат меҳнати эвазига жамоанинг ҳурматини қозонди. Тез орада Ёқубжон муҳаррирликка кўтарилди.

Ўзбекистон Ахборот агентлигининг маҳаллий матбуот бўлими ходимлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар ва район рўзномаларини ўқиган, чет эл, мамлакат ва жумҳурият ҳаётини ёритувчи мақола ва хабарлар билан танишган кишилар мақолаларнинг ҳар бир ҳарфига Ёқубжон ака қалб қўрини, кўз нурини тўкканини, эҳтимол, билмас. Аммо таҳририят ходимлари бундан яхши хабардордирлар.

Чорак асрдан буён бирга ишлаймиз. Дўстмиз, маслакдошмиз. Тиғиз иш соатларидан сўнг бир пиёла чой баҳона узоқ суҳбатлашамиз. Умр дафтарининг ҳаяжон ила тўла саҳифалари кўз ўнгимизда қайта жонланади, ишимиз ривожига оқ фотиҳа тилаган мураббийларимизни хотирлаймиз. Бағри кенг, дилкаш, саховатли инсонлар билан халқимиз нақадар ғурурланишини бот-бот тилга оламиз. Шундай кезларда Ёқубжон ўз ҳаётидаги қувончли воқеалардан бирини ҳикоя этади. У ўқишга кираётган йили — 1954 йилда Москвада «Русча-ўзбекча луғат» босилиб чиққанлигини эслайди. Орадан 30 йил ўтгач, икки томлик «Русча-ўзбекча луғат»нинг яратилишида ҳамкасбимиз муносиб ҳисса қўшди.

Ҳамкасбимнинг яна бир ажойиб фазилати бор. У дўстлик қадрига етади. Сир эмас, байналмилал меҳнат жамоамизда рус, украин, татар, корейс, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари биз билан бирга ҳамнафас қалам тебратишади. Ёқубжон уларнинг ҳар бири қалбига йўл топа олади. Тантана-ю маъракада қувончга шерик, ташвишга ҳамдард. Шу боисдан уни мураббий деб эъзозлаймиз. Фаол жамоатчи сифатида ҳам ҳурмат қозонган. У 20 йил мобайнида ЎзТАГ партия ташкилотининг котиби бўлди. Ҳозирда эса партия бюросининг аъзоси. У вилоят ва шаҳар рўзномалари қаламкашлари билан тез-тез учрашиб туради. Мураккаб давримизнинг воқеаларини тезда илғаб олиш, қоғозга тушириш, ёзилаётган мақоланинг ҳар бир сатрига партиявий ёндашувда бўлиш лозимлигини тилга олади. Жумҳурият фуқароларини тўлқинлантириб келаётган муаммоларни рўзномалар саҳифаларига олиб чиқишда унинг ҳиссаси бор. У «ҳали теша тегмаган» мавзуларни қаламга олишга ошиқади.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан Ўзбекистон Ахборот агентлиги бўлимларининг иш йўналишида ўзгаришлар бўлди. Жумладан, ташвиқот ва маҳаллий ахборот бўлими ходимлари зиммасига ўзбек тилидаги расмий ҳужжатлар, қарорлар, турли мавзудаги хабарларни рўзномаларнинг таҳририятларига телетайп орқали узатиш вазифаси топширилди.

Меҳнат жамоаси бу соҳага масъулликни тажрибали қаламкаш ва таржимон Ёқубжон Иброҳимовга топширди. Бўлим иши янада жонланди. Ходимлар янги замонавий машиналар билан бемалол «тиллашмоқдалар». Энг муҳими вақтдан ютилмоқда: жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидаги рўзномалар рўзноманинг жорий сонида чоп этиладиган хабарларни ғоят қисқа фурсат ичида телетайп канали орқали олишаётир.

Бутун йигитлик умрини, ақл-заковоти ва шуурини ўзбек матбуоти ривожига бағишлаган камтарин дўстимиз Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонининг соҳиби. У шу кунларда ҳам муқаддас даргоҳимизда меҳнат қилаётир. Ташаббускорликда, жонкуярликда ёшлар унга ҳавас қилсалар арзийди. Одамийликни, камсуқумликни, ботартибликни, бурчга садоқатни ундан ҳар қанча ўргансалар арзийди. Кўплаб йигит ва қизларга мураббий машаққатли касб сирларини ўргатмоқда.

Камтарга камол, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ҳамкасбимиз Ёқубжон Иброҳимов камтарлиги туфайли камол топганлардан.

Собит ТОИРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ОЙНОМАНИНГ ЯНГИ СОНИ

«МУЛОҚОТ»

Ойномада республика ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган коммунистлар билан савол-жавоблар ўрин олган. Жиззах вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Э. Турсунов, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг директори М. Искандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг директори И. Шоғуломов, Тошкент маданият институтининг ректори А. Тўраев ойнома саволларига жавоб қайтарганлар.

«Инсон келажаги — оналар қўлида» сарлавҳаси остида СССР халқ артисти Қ. Мирикаримова, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати, меъмор Т. Қодирова ва Тошкент жисмоний тарбия институти профессори О. Рихсиевалар иштирокида давра суҳбати берилган.

Одатдагидек ойномада тарих ва маданий меросимизга катта ўрин ажратилган. Муштарийлар бу сонда профессор Ҳ. Зиёевнинг «Туркистон ва чоризм истилоси» сарлавҳали мақоласини ўқиб Ўрта Осиёнинг босиб олинганлиги ҳақидаги янги маълумотлар билан танишишлари мумкин. Б. Валихўжаевнинг «Хўжа Аҳрор: уйдирма ва ҳақиқат» деган мақоласида маданий меросимиздаги чалкашликлар ва тарихий ҳақиқат ҳақида янгича ёндашувлар баён қилинган.

Буюк мутафаккир А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган «Сўз мулкининг соҳибқирони» сарлавҳаси остида Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир ва Бобур сингари улуғ аждодларимизнинг ҳазрат Навоий ҳақидаги фикрлари берилган. «Миллий анъаналар» рубрикаси остида эса Усмон Қорабоевнинг Наврўз байрами ва унинг тарихи ҳақидаги қизиқарли мақоласини ўқиш мумкин.

Ҳозирги куннинг долзарб масалалари, ечимини кутаётган муаммолар ҳам ойнома мундарижасидан алоҳида ўрин олган.

Ойнома бу сонда ҳам «Шарқнинг буюк муҳаддислари» рукнини давом эттирган. Унда улуғ аллома Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишасиз, ҳадисларидан намуналар ўқийсиз.

«Қатағон қурбонлари» — ойноманинг янги рукни. Журналист И. Усмоновнинг «Тақдирлар ва занжирлар» мақоласи қатағон қурбони Миёнбузрук Солиҳов ҳақида. «7-саҳифа меҳмони» рукни остидаги суҳбатда эса улкан кинорежиссёр Малик Қаюмовнинг фикр-мулоҳазалари, шахсий ўйлари билан танишасиз.

• *Спорт* •

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

Ғузорда ҳар йили навбаҳор кезлари ўтказиладиган анъанавий мусобақа бўлди. Баҳсда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан тўпланган 300 дан зиёд югурувчи иштирок этди. Ғузорлик жасур қиз Майна Ҳасанова хотира-соврини учун ўтказилган мазкур баҳсда майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. Минг метрга югуришда Л. Файзиева маррада биринчи бўлди. Икки минг метрга югуришда Н. Очилова зафар қучди. Е. Басистова уч минг метрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди.

ФУТБОЛ:

ДАСТЛАБКИ ТЎПЛАР

Иккинчи лиганинг Ўрта Осиё минтақасида иштирок этувчи 26 жамоаси ўртасида мамлакат чемпионати бошланди. Дастлабки учрашувларда Нукуснинг «Орол», Тошкентнинг «Трактор», Халқободнинг «Соҳибкор» ва Тошкент вилоятининг «Свердловчи» командалари ғалаба қозониб, иккитадан очколи бўлишди.

ЁНҒИН ЎЧИРИЛДИ

Қўнғиротдан юз километр нарида, Устюрт ясси тоғликларида газ қидириш қудуғида чиққан аланга кукунли ўт ўчирувчи махсус қурилма ёрдамида ўчирилди.

Ёнғин 11 март куни уч ярим километрдан кўпроқ чуқурликдан отилиб чиққан газ фаввораси алангаланиши натижасида рўй берди. Ёнғин ўн бир кун давом этди. Авария бўлган ерга Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги махсус ўт ўчириш қисмлари юборилди, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари ҳам ёрдам берди.

Зўр куч билан ҳавога ўралаётган аланганинг ёнига яқинлашиш мумкин эмасди. Қудуқ узоқда бўлганлиги сабабли жуда катта қийинчилик юзага келди, бу ерда сув ҳам йўқ эди. Ўн тўрт километрли масофадан сув қувури тортиб келинди. Сув тўпланадиган махсус ерда минг кубометрдан кўпроқ сув йиғдилар. Барча тайёргарлик ишлари тугатилгач, ёнғинга қарши ҳужум бошланди...

(ЎзТАГ мухбири).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ДРАМА ТЕАТРИДА
3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

АЛИШЕР НАВОИЙ асари Ш. РИЗАЕВ сценарийси.

«ИСКАНДАР»

(2 пардали фожеа)

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Б. Т. ЙЎЛДОШЕВ.

РАССОМЛАР: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Г. БРИМ, Александр БАТИКОВ, Бахтиёр ТЎРАЕВ.

МУСИҚАЛАРНИ САҲНАЛАШТИРУВЧИ: Қирғизистон ССР халқ артисти Толибжон БАДИНОВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ҳ. НУРМАТОВ. Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг совриндорлари: М. ТЕШАБОЕВА, Х. АРСЛОНОВ, С. РОМЕТОВА.

Артистлар: А. РАФИҚОВ, Э. НОСИРОВ, Г. РАҲИМОВА, Ш. УЗОҚОВА, Н. АБДУВОҲИДОВА, Ш. ТОЛИПОВ, Ғ. ЖУМАНОВ, Ж. РАМЕТОВ, Ф. АБДУЛЛАЕВ, М. ТЕШАБОЕВ, Т. ШУКУРОВ ва бошқалар.

ТЕАТРНИНГ БОШ РЕЖИССЕРИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Б. Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Чипталар ҳар куни соат 10 дан 19.00 ғача сотилмоқда.

Манзилгоҳ: Уйғур кўчаси, 2-уй. Телефон: 44-56-52.

ЖУМҲУРИЯТ ВАЗИРЛИКЛАРИ, МАҲКАМАЛАРИ, БИРЛАШМАЛАРИ,КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ, БАНКЛАРИ, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ
БИЛИМГОҲИ ҚОШИДАГИ
ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР
МАХСУС КУЛЛИЁТИ

«ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ВА ВАЛЮТА-КРЕДИТ АЛОҚАЛАРИ» курсини ўрганиш гуруҳларига

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: 2 ойлик (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда), **ўқиш учун 1500 сўм ҳақ тўланади. Курс ниҳоясида гувоҳнома берилади;**

6 ойлик, ўқиш учун 7500 сўм ҳақ тўланади.

Курс ниҳоясида диплом берилади. Валюта мавжуд бўлган тақдирда чет эл фирмаларига (Югославия, Финляндия) стажировка уюштирилади.

Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй, 14-қават, 7-хона. Телефон: 45-49-59.

БАЛИҚ ОВЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚУЙИДАГИ КЎРСАТИЛГАН МАНЗИЛ ВА МУҲЛАТЛАРДАН:

— Амударё ва Сирдарё — 10 июнгача;

Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасидаги сув ҳавзаларида — 26 апрелдан 10 июнгача;

— Сурхондарё воҳасидаги сув ҳавзаларида — 5 майгача;

— Қашқадарё воҳасидаги сув ҳавзаларида — 10 апрелдан 31 майгача;

— Чорвоқ сув омборида — 1991 йил 1 декабрдан 1992 йил 1 мартгача — хонбалиқ ва пелядь балиғини овлаш, Бурчмулла ва Боғистон қишлоқлари чегарасида 16 апрелдан 31 майгача — бошқа турдаги балиқларни овлаш;

— Тўпаланг ва Сангардак дарёларида 5 сентябрдан 25 октябргача — Амударё хон балиғини овлаш;

— жумҳуриятимиздаги қолган сув ҳавзаларида — 16 апрелдан ҳар қандай балиқ овлаш тақиқланади.

Бирор корхона ҳисобидаги хўжаликларда қармоқлар сони иккитадан ошмаслик шарти билан спорт-ҳаваскорлик балиқчилигига рухсат этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсатномасига биноан давлат муассасавий соқчилигига моторли қайиқларда сузишга ижозат берилади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бутуниттифоқ рўзнома ва жаридаларга обуна қабул қилиш муддатлари ўзгарганлигини

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

Бутуниттифоқ рўзномаларига обуна аввалги ойнинг 5-кунигача,

— Бутуниттифоқ жаридаларга эса — обуна ойига 35 кун қолгунгача обуна бўлиш мумкин.

Жумҳурият нашрларига обуна бўлиш ўзгаришсиз қолди, яъни

— жаридаларга — обунадан аввалги ойнинг 1-кунигача,

— рўзномаларга — 10 кунигача обуна бўлиш мумкин.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» жумҳурият агентлиги.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/III да **Этик кийган мушук** (12.00), **Оққуш кўли** (19.00), 29/III да **Чиполлино** (12.00), **Евгений Онегин** (19.00), 30/III да **Оловиддиннинг сеҳрли чироғи** (12.00), **Балет... Балет... Балет** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/III да **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома,** 29/III да **Юлдузли тунлар,** 30/III да **Жар,** 31/III да **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 28/III да **Анқовлар чайқови,** 29/III да **Кампир кетармиш,** 30/III да **Дардимни айтаман, куласизми?..** 31/III да **Куёвлар конкурси.**

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи раҳбарияти Халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили кафедраси жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси Т. Ш. Шоғиёсовга отаси

Шохобиддин ЗИЕВУТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурият Давлат банки ва жумҳурият Агросаноат банки правленияси ташкилотлари Наманган вилояти Агросаноат банкининг раиси Н. Жафаровга рафиқаси

Шаҳодат ЖАФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи жамоаси музейнинг илмий ходими А. Ўроловга отаси

Абдурасул УРОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5091.

№ 60. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12